

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

4/2018

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Баходир ДЕХҚАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Нематжон АКБАРОВ
Шахноза АХАТОВА
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ
Азиз МИРЗАЕВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» — «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этилаётган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк»
Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: Os_odilsudlov@mail.ru

Email: Jurnal@exat.uz

Босишга 2018 йил 13 апрелда рухсат этилди. Қоғоз бичими 70X108 1/16. 7,5 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма — Нашр адади 6512 нусха.

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун — 908;
ташкilotлар учун — 909.

Босмахона манзили:
Ғафур Ғулом номидаги наشريёт-
матбаа ижодий уйи. 100128, Тошкент
шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй

ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизimini яратиш тўғрисида»ги Қарори.....3

Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Тошкент конференциясининг Декларацияси.....5

ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ.....10

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Енгилмас саркарда, йирик давлат арбоби.....12

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

Б. Исаков. Иқтисодий процессуал кодекси: янги талаб ва янги қоидалар.....17

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Б. Тешабоев. Судлар фаолиятини таъминлашнинг янги тизими.....22

Т. Абдраманов, Ш. Зайниев. Сайёр суд мажлисларининг аҳамияти.....27

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

И. Маманов. Озодликни чеклаш жазосини қўллашнинг ҳуқуқий асослари.....29

У. Бакдурдиев. Такроран содир этилган жиноятлар, жиноятлар мажмуи ҳамда рецидив жиноятлар.....33

М. Арипов. Вояга етмаганларга жазо тайинлаш.....37

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

М. Райимов. Шахсни ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашнинг айрим масалалари.....39

МУЛК ҲУҚУҚИ МАСАЛАЛАРИ

Ғ. Мирзаев. Умумий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва унинг тасарруф этилиши.....42

ЕР ҲУҚУҚИ

О. Садиков. Ер участкаларини ижарага олиш шартномаларини бекор қилишнинг айрим жиҳатлари.....45

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН

М. Ахмедов. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш.....48

АРХИВЛАР ФАОЛИЯТИ

М. Абдурахимов. Архивлар фаолиятининг айрим жиҳатлари.....52

СУД ОЧЕРКИ

М. Содиқов, А. Азизов. Ният – хайр, оқибат – хайр ёхуд бойишни бошланг!.....55

Г. Мирзаева, С. Содиқова. Суднинг қарори адолатсизми ёхуд келинчакнинг важи асоссизми?.....58

Р. Қутибеков. Аёлига «СПИД» юқтирди.....60


АДАБИЁТ — МАЪНАВИЯТ АСОСИ

М. Хўжаев. Шеърлар.....61

ЭЪЛОН.....62

ТАДБИРКОР ВА ҲУҚУҚ.....63

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....118



ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚАРЗДОРЛИКЛАРНИ УНДИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЯГОНА ИДОРАЛАРАРО ЭЛЕКТРОН ҲАМКОРЛИК ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини ташкил этишда самарали ҳамкорликни таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда қарздорликни ундириш чораларининг тезкорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида:

1. Бош прокуратуранинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида (кейинги ўринларда — Бюро) қуйидагиларга мўлжалланган Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини (кейинги ўринларда — Ягона электрон ҳамкорлик тизими) яратиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

қарздор-жисмоний шахслар ва уларнинг мол-мулклари, шунингдек, олиб берилиши лозим бўлган болани қидиришда Бюро ва давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш;

давлат ижрочиларининг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари, билдиришномалари ва бошқа хабарномаларини, шунингдек, уларга жавобларни тегишли давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотларига электрон ҳужжат кўринишида юбориш (қабул қилиш);

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган қарздорларга, шу жумладан, уларнинг мол-мулклари ва мулкрий ҳуқуқларига нисбатан чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида қўллаш.

2. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда Бюро билан электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар) рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бюрога мазкур рўйхатни бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан кенгайтириш, шунингдек, улар бўйича қарздорликларни ундириш масалалари бўйича идоралараро электрон ҳамкорлик схемасини келишилган ҳолда белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Бюро ва ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар ўртасидаги қарздорликларни ундириш бўйича идоралараро электрон ҳамкорлик:

2 — 19-иловаларга мувофиқ схемалар бўйича;

мавжуд маълумотларнинг тезкорлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаган ва қонун

Ушбу Қарор «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 14 мартда эълон қилинган.

ҳужжатларига мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни кўрган ҳолда рухсатсиз фойдаланишга имкон бермайдиган ҳимояланган телекоммуникация тармоқлари орқали;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри ула-ниш ёки ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг маълумотлар базаларини Бюронинг ахборот тизимида такрорлаш ва мунтазам янгилаб бориш ёхуд ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларини Бюронинг ахборот тизими билан интеграция қилиш йўли билан;

Бюро ва ҳамкорлик қилувчи ташкилот ўртасида тузиладиган электрон ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва технологик йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Белгилансинки, ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларида-ги ёки маълумотлар базаларидаги такомиллаштиришлар ёхуд электрон ҳамкорлик тўғрисидаги технологик йўриқноманинг ўзгаришига олиб келаётган ҳар қандай ўзгартириш Бюро билан келишилган ҳолда амалга оширилади ва Ягона электрон ҳамкорлик тизимига интеграция қилинади.

5. Бюро Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-рини ривожлантириш вазирлиги ҳамда ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар билан бир-галикда 2018 йил 1 сентябрга қадар:

ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар билан электрон ҳамкорлик тўғрисидаги кели-шувлар ва технологик йўриқномалар тузилишини;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базала-ри билан интеграция қилишни инobatга олган ҳолда Ягона электрон ҳамкорлик ти-зими ишга туширилишини таъминласин.

Белгилансинки, ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маъ-лумотлар базаларини интеграция қилиш бўйича ишлар, шу жумладан, дастурий таъ-минотни яратиш, ўз ходимларини электрон рақамли имзо билан таъминлаш Бюро ва ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси манфаатдор вазирлик ва идора-лар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 март

27 март куни пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида Афғонистон Ислам Республикаси билан биргаликда ташкил этилган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркменистон ташқи сиёсат маҳкамалари, шунингдек халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари қатнашди.

АФҒОНИСТОН БҶЙИЧА «ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК» МАВЗУСИДАГИ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри
2018 йил 26-27 март

МУҚАДДИМА

Биз, Тошкент конференцияси иштирокчилари:

1) Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилиши минтақада барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш ҳамда кўп йиллик зўравонлик ва афғон халқининг азоб-уқубатларига чек қўйишда салмоқли аҳамиятга эга эканини тасдиқлаймиз. Шу сабабли, биз Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг саъй-ҳаракатлари билан терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро яқин минтақавий ҳамкорлик орқали амалга ошириладиган сиёсий тартибга солиш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва шериклик Афғонистон ва бутун минтақада тинчлик ва фаровонликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этамиз;

2) Биз БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг, жумладан, 2018 йил 19 январь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича мажлисидан сўнг Афғонистон ва Марказий Осиё ўртасида шакллантирилган янги шерикликка доир резолюциялари ва қарорларини қўллаб-қувватлаймиз;

Ушбу Декларация «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 28 мартда эълон қилинган.

3) Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва худудий яхлитлиги, шунингдек, миллий бирдамлиги, Афғонистон халқи ва ҳукуматининг ўз мамлакатида тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини хурмат қиламиз;

4) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз саъй-ҳаракатлари билан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва минтақавий ташаббуслар, жумладан, Афғонистон ҳукумати раҳбарлигидаги Афғонистонда тинчликни таъминлаш ва зўравонликка барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатларига раҳбарлик қилишга қаратилган бош форум ва восита сифатида Кобул жараёнининг муҳимлигини эътироф этамиз;

5) Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини, уларнинг минтақадаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаймиз;

6) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз саъй-ҳаракатлари билан тинчлик ва ярашув жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзуидаги Тошкент конференциясининг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этамиз.

ТИНЧЛИК ВА ЯРАШУВ

7) Миллий Бирдамлик ҳукуматининг толиблар билан кенг қўламли тинчлик келишувига эришиш бўйича пировард мақсад йўлида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаслик асосида «Толибон» билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётган таклифини қатъий қўллаб-қувватлашимизни таъкидлаймиз ҳамда «Толибон»ни Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз саъй-ҳаракатлари билан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларига мувофиқ амалга оширилаётган тинчлик ўрнатиш жараёнига доир ушбу таклифни қабул қилишга чақирамиз;

8) Толиблар билан муносабатларни сиёсий йўл билан ҳал этиш Афғонистонда зўравонликка барҳам беришнинг энг мақбул йўли экани, шунингдек, Афғонистон ҳукумати ва «Толибон»нинг мурасосоз вакиллари ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри тинчлик музокараларини ўтказиш зарурати мавжудлигини қайд этамиз;

9) Афғонистон ҳукуматининг «Толибон» билан тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимизни тасдиқлаймиз ҳамда Кобул жараёнини Афғонистон бўйича бошқа минтақавий ва халқаро тинчликпарвар ташаббуслар билан бир қаторда бош форум ва восита сифатида эътироф этамиз;

10) Толибларни афғон халқининг азоб-укубатларига чек қўйиш учун Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишда уларнинг ҳам масъулияти борлигини тан олишга ҳамда ўзаро келишилган форматни ишга солган ҳолда ва халқаро ҳамжамиятнинг тўлиқ қўллаб-қувватлаши орқали Афғонистон ҳукумати билан тўғридан-тўғри тинчлик музо-

қараларига киришишга тайёр эканлигини расман эълон қилишга чақирамиз;

11) Афғонистон ҳукумати ва «Толибон»ни сиёсий музокараларга киришишга чақирамиз. Кенг қўламли тинчлик келишувидан барча ютади, ҳеч ким ютқазмайди. Ушбу келишув «Толибон»нинг сиёсий жараёнга легитим сиёсий иштирокчи сифатида қўшилишини, «Толибон»нинг зўравонликдан воз кечиши ҳамда террорчилик гуруҳлари ва халқаро терроризм, жумладан, «Ал-Қоида», ИШИД ва бошқа трансмиллий террорчилик тармоқлари (ТТТ) билан алоқаларни узишини, шунингдек, Афғонистон Конституцияси, жумладан, барча афғонларнинг тенг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини кафолатлаши лозим;

12) Хотин-қизларнинг афғон ярашуви жараёни, хавфсизлик, жамият ва иқтисодиётдаги тўлиқ ва салмоқли иштирокининг муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлаймиз ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган халқаро саъй-ҳаракатларни муттасил қўллаб-қувватлашимизни қайд этамиз, шунингдек, Афғонистоннинг хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизликка доир ҳаракатлар Миллий режасини амалга оширишни қўллаб-қувватлашнинг тарафдори бўлиб қоламиз;

13) Афғонистон ҳукуматини самарали рағбатлантириш йўли билан тинчлик музокараларини бошлаш ва илгари суриш учун ҳамда тинчлик жараёнига қўшилишдан бош тортаётган ҳамда зўравонлик, қон тўкиш ва ваҳшийлик ҳаракатларини давом эттираётган, трансмиллий террорчилик тармоқларига қўмаклашаётган мурасасиз элементларга қарши зарур чора-тадбирлар билан курашиш учун қулай шароитлар яратишда қўллаб-қувватлаймиз;

14) Барча мамлакатларни Афғонистон хавфсизлиги, барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилишга, унинг ички ишларига аралашмасликка чақирамиз;

15) Бошқа мамлакатларга террорчилик билан таҳдид солмайдиган ҳамда ўз ҳудудида хавфсиз муҳитни яратишда ўз кучига тўлиқ таяна оладиган тинч Афғонистонни қўллаб-қувватлашимизни таъкидлаймиз.

ТЕРРОРИЗМ ВА НАРКОТИКЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

16) Афғонистон халқига қарши яқинда содир этилган шафқатсиз тажовузларни қоралаймиз ҳамда у билан мустаҳкам бирдамлигимизни билдираемиз, терроризмнинг шакл ва кўринишларини фарқламасдан уларнинг барчасини қоралаймиз, трансмиллий терроризм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчилик ўртасидаги алоқадан Афғонистон, минтақа ва бутун халқаро ҳамжамият хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий ва умумий таҳдидлар мавжудлигини эътироф этамиз;

17) БМТнинг Глобал аксилтеррорчилик стратегияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларига мувофиқ барча шакл ва кўринишлардаги терроризмга барҳам бериш бўйича амалий минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг муҳимлигини қайд этамиз;

18) Афғонистон ҳукуматининг терроризмни молиялаштиришнинг асосий манбаи

бўлган наркотиклар, прекурсорлар ишлаб чиқариш ва уларнинг ноқонуний айланишига, қурол-яроғ контрабандасига қарши курашиш мақсадида минтақавий ва халқаро шериклар билан ҳамкорликда фаол амалий саъй-ҳаракатларининг муҳимлигини қайд этамиз;

19) Терроризм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчилик ўзаро боғлиқ глобал таҳдид экани ҳамда БМТнинг Глобал аксилтеррорчилик стратегиясига асосланган ягона стратегияни ишлаб чиқишни талаб этаётганини эътироф этамиз;

20) Афғонистонга хавфсизлик соҳасидаги кўмак Афғонистон ҳукумати орқали тақдим этилиши лозимлигини тасдиқлаймиз ҳамда Афғонистонни беқарорлаштириш ва можарони узайтиришга олиб келувчи «Толибон» ва ИШИДга ҳар қандай молиявий, моддий кўмак ёки қурол-яроғ тақдим этилишига қатъий қаршимиз.

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

21) Минтақада иқтисодий ҳамкорлик борасида ва Афғонистонни Марказий Осиёни Жанубий Осиё ва бошқа минтақалар билан боғловчи табиий кўприк сифатида эътироф этиб, транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишда охириги пайтларда эришилган муваффақиятларни қўллаб-қувватлаймиз. Афғонистоннинг минтақага иқтисодий интеграцияси келгусида ушбу мамлакатда ва бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади;

22) Афғонистонни унинг яқин кўшнилари ва минтақа билан боғлайдиган савдо-транзит, транспорт, энергетика, инфратузилма ва коммуникация соҳаларидаги минтақавий лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш бутун минтақа аҳолисига сезиларли манфаат келтириши, кун кечириш учун зарур манбаларни яхшилаши, тинчликка кўмаклашиш ҳамда терроризм ва ноқонуний фаолиятга қарши курашиш борасида қўрилаётган саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлашини қайд этамиз;

23) Аввалги ташаббусларнинг давоми сифатида ташкил этилган Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuidaги Тошкент конференцияси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни, терроризм ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, минтақада иқтисодий ҳамкорликка оид кенг доирадаги масалалар бўйича очик ва ҳар томонлама муҳокамалар учун ноёб имконият тақдим этгани ҳамда ўзаро мақбул қарорлар ишлаб чиқишга рағбат берганини эътироф этамиз;

24) Ўзбекистон ҳукуматига анъанавий меҳмондўстлик ва Тошкент шаҳрида юқори даражадаги ушбу конференция юксак даражада ташкил этилгани, шунингдек, тинчлик, хавфсизлик ва минтақавий шериклик масалалари бўйича кенг ва мустаҳкам минтақавий ва халқаро консенсусни шакллантиришга қаратилган қатъий саъй-ҳаракатлари учун чуқур миннатдорлик билдираамиз.

Ушбу декларация Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳрида Афғонистон, Хитой, Франция, Германия, Ҳиндистон, Эрон, Италия, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Қатар, Россия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, БАА, Буюк Британия, АҚШ, Ўзбекистон, ЕИ ва БМТ томонидан қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

Абдумумин Абдувахатович **Абдуллаев** муддатсиз даврга

Волида Рустамовна **Ахтамова** ўн йил муддатга

Жамшид Уктамович **Тиркашев** ўн йил муддатга

Илхомжон Хакимович **Раҳманкулов** ўн йил муддатга

Сайлаубай Аманбаевич **Мамбетқадиров** ўн йил муддатга

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан:

Ихтияр Уралович **Қасимов**

Нематжон Аҳмеджанович **Ақбаров**


Раҳат Аминбаевич **Исмайлов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 март



ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ

18-1707/8310-СОНЛИ ИШ

(2017 йил 20 декабрдаги
қарордан кўчирма)

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак

«A`LO NUR TRANS» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Дон маҳсулотларини қабул қилиш» масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 51 957 481 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат тартибидаги протестда ишни кўришда судлар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги, иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги сабабли суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар 2015 йилда ғалла мавсумида фермер хўжаликларидан ғалла ҳосилини қабул қилиш масканларига ташишда транспорт хизматлари кўрсатган.

Ушбу хизматлар жавобгар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Автомобиль транспорт ва прицеп тракторларда донни ташиш учун чекланган тарифлар» ҳамда туман ҳокими тасдиқлаган дислокация асосида ҳисобкитоб қилиниши ва хизмат ҳақи тўланиши лозим бўлган.

Даъвогар томонидан жавобгарга техника хизмати кўрсатиш масофа бўйича туман ҳокими томонидан 2015 йил 1 июнда тасдиқланган бошқоқли дон қабул қилиш бўйича дислокация асосида амалга оширилган.

Даъво аризасига даъвогар жавобгарга 2015 йил 17 июлда 268 268 000 сўмлик, 2015 йил 31 июлда 489 644 310 сўмлик ҳамда 2015 йил 11 сентябрда 230 093 000 сўмлик техника хизмати кўрсатганлиги ҳақида ҳисобварақ-фактуралар илова қилинган.

Даъвогар жавобгарга жами 549 322 180 сўмлик техника хизмати кўрсатилганлиги, ушбу хизмат ҳақининг 51 957 481 сўми тўланмаганлиги сабабли тегишли қарзни жавобгардан ундиришни сўраб судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантиришни рад этиб, нотўғри тўхтамаг келган.

Амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига кўра, суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асосланганлиги бўлиши керак.

Жавобгар ўзининг ёзма фикрида даъвогар 2015 йил ғалла ҳосили бўйича жами 506 086 634 сўмлик дон ташиш ишларини бажарганлигини билдирган.

Жавобгар жами 498 195 687 сўм транспорт хизмати ҳақини тўлаган. Ушбу ҳолат банк маълумоти билан ўз тасдиғини топган.

Даъвогар томонидан тақдим этилган иш ҳужжатларидаги 2015 йил ғалла ҳосилидан ташилган дон маҳсулоти реестри (ҳисоб-китоби)дан кўринишича, даъвогар ва жавобгарнинг ҳисоб-китобида 44 056 534,47 сўм фарқ мавжуд. Аммо, ушбу реестр жавобгар томонидан тасдиқланмаган. Қолаверса, даъвогар томонидан ушбу сумма исботланмаган. Ваҳоланки, қонунга кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Суд мажлисида жавобгар вакиллари 2015 йил 17 июлда 268 268 000 сўмлик ва 11 сентябрда 230 093 000 сўмлик техника хизмати кўрсатилганлигини тасдиқловчи 2 та ҳисобварақ-фактуралар тўғрилиги, 2015 йил 31 июлда 489 644 310 сўмлик транспорт хизмати кўрсатилганлигини кўрсатувчи ҳисобварақ-фактура эса, даъвогарнинг илтимосига кўра юқоридаги 2 та ҳисобварақ-фактурани қўшган ҳолда тайёрлангани, «498» рақами техник хатолик туфайли «489» деб нотўғри кўрсатилганлиги, даъвогарнинг олдинги йиллар учун қарзи ўзаро ҳисоб-китоб қилинмаганлиги сабабли у томонидан кўрсатилган 7 890 947 сўмлик транспорт хизмати юзасидан ҳисобварақ-фактура тақдим этилмаганлигини билдириб, 7 890 947 сўмлик транспорт хизмати бўйича маълумот ва бир томонлама таққослаш далолатномасини тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Транспортда юк ташиш учун тўланмай қолган қарздорлик 7 890 947 сўмни ташкил этиши ишдаги ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди ушбу ҳолатларни инобатга олмасдан даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди эса, қайд этилган ҳолатларни инобатга олмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, судлар томонидан барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантилмаган қарорлар қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бинобарин, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосsizлиги ҳал қилув қарорини назорат тартибида бекор қилиш учун асос бўлади.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати суд қарорларини ўзгартириб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни рад этиш қисмини бекор қилган ҳолда даъвони қисман қаноатлантиришни, даъвогар фойдасига жавобгардан 7 890 947 сўм юк ташиш хизмати ҳақини, олдиндан тўланган 59 182,5 сўм давлат божини ундиришни, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ бўлган 30 000 сўм суд харажатларини жавобгардан ундиришни лозим топади.

* * *

Тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи менадан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай.

Амир Темури

Амир Темурининг ўрта асрлардаги саркардалик маҳорати жаҳон ҳарбий академияларида ўргатилиб келинмоқда. У мамлакатни, аввало, илм-фан, олиму фузалоларнинг фикрлари, ислом дини ва шариат талабларига таяниб бошқарган. Жумладан, Амир Темурининг давлат бошқаруви ҳақида маълумот берувчи қимматли манба «Темури тузуклари»дир. Ундаги барча воқеалар саркарда номидан баён қилинади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Амир Темурининг Мовароуннаҳрда салтанатни қўлга киритиши учун олиб борган кенгашлари ва музокаралари ҳақида тафсилот ва маълумот берилса, иккинчи қисмида эса, давлатни бошқариши услуби ҳақида тузуклар, панд-насиҳатлари ўрин олган. «Темури тузуклари»да келтирилган фикр ва йўл-йўриқлар асрлар давомида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

ЕНГИЛМАС САРКАРДА, ЙИРИК ДАВЛАТ АРБОБИ

Қуйида «Темури тузуклари»дан бир парча келтирамыз.

* * *

Мамлакатларни фатҳ этгувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинким, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастур ул-амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-таллошлар билан, Тангрининг инояти ва ҳазрати Муҳаммаднинг, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд миллатининг шарофати, Онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлағайлар.

Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай.

Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этгувчи иқтидорли набирларимга йўл-йўриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарсга ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Давлату салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар.

Биринчиси – давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим — Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариятига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим.

Иккинчиси шулким, ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларимни шулар билан зийнатладим.

Учинчиси шулдирки, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва хушёрлик-эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанатим ишларини мурсою мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олардим. Дўсту душман билан мурсою мадора қилдим.

Тўртинчиси – давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лаво-

зим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади.

Бешинчиси – амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, зару зерварлар билан хушнуд этдим. Базмларда уларга (ўз ёнимдан) ўрин бердим, шунинг учун жанглarda жонларини фидо қилдилар. Дирҳам ва динорларни улардан дариғ тутмадим. Уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машаққатларини ўзимга юкладим ва тарбият қилдим. Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим. Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи араб ва Ироқи ажам, Мозандарон, Гилонот, Ширвонот, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти жете, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Кобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим.

Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлиғим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб (ғаним) фавжларини синдирдим. Амирлар ва сипоҳийларнинг исёнларини кўрдим, улардан аччик сўзлар эшитдим. Лекин сабру бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шу тариқа дунёда ном чиқардим.

Олтинчиси – адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққониният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. (Тўғри) сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларим ва раиятни умид ва кўркинч орасида сақладим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю кўркув бўлса, бутунлай унут бўларди.

Еттинчиси – саййидлар, уламою машойих, оқилу донолар, муҳаддислар,

хабарчилар (тарихчилар)ни танланган, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига кўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қилдим. Дарвиш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талабларини рад этмадим. Бузуки ва оғзи шалоқ ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага тухмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим.

Саккизинчи – азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан кўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсам, унга амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб. Одам Атодан бошлаб Ҳотам ул-анбиёгача, улардан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим.

Тўққизинчиси – раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизождан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мизожларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушларини, қилиш-қилмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларни ёзиб, менга билдириб туриши учун диёнатли, тўғри қаламли кишилардан воқеанавис (ахборнавис-хабарчилар) белгиладим. Борди-ю, нотўғри нарса ёзганлари менга маълум бўлиб қолса, бундай воқеанависларни жазоладим. Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга

нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Ўнинчидан – турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим. Яхшиларига – яхшилик қилдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилган бўлса, хизмати ҳаққини адо этдим. Кимки менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз уриб олдимга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим. Чунончи, улус амири Шер Баҳром аввал менга ҳамроҳ эди, бошимга (оғир) иш тушганда мени ташлаб кетди ва душманларимга қўшилди, менга қарши қилич кўтарди. Охири берган тузим ҳаққи тизза уриб, яна илтижо қилиб келди. Асл эр-йигит бўлганлиги ва жангжадал билан суяги қотган мардлардан эканлиги боисидан ёмон ишларининг барисидан кўз юмдим. Олдимга келгач, ўзини ҳурматлаб, мартабасини оширдим. Уни марду мардоналиги учун кечирдим.

Ўн биринчиси – фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, (молу мулк ва нақд пул билан) ҳақларини адо этдим. Ўз фарзандларим, қавму қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим. Улардан нораво иш ўтган бўлса, дарҳол боғлаб, ўлдиришга буюрмадим. Ҳар кимни (туриш-турмушнинг пасту баландларида) турли йўллар билан синаб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим.

Ўн иккинчиси — дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар. Агар ғаним сипоҳидан бирор одам ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Қошимга (паноҳ истаб) келганда, уни кадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим...

«Темур тузуклари» китобидан



ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ: *ЯНГИ ТАЛАБ ВА ЯНГИ ҚОИДАЛАР*

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш, суд ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш бўйича кўрилаётган амалий чоралар суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Иқтисодиёт, хусусан, тадбиркорлик ривожига ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар Иқтисодий процессуал кодексини қабул қилишни заруриятга айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи орқали ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 20 декабрдаги ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланган, 2018 йил 25 январь куни матбуотда эълон қилинган ҳамда жорий йилнинг 1 апрелидан кучга кириши белгиланган «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги Қонун билан янги Кодекс тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 5 бўлим, 37 боб ва 347 моддани ўз ичига олади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Кодекс кенг жамоатчилик муҳокамаси, жумладан турли соҳа вакиллари билан учрашувлар, олимлар, адвокатлар, тадбиркорларнинг фикрлари, шунингдек илғор хорижий тажрибани ва амалиётни чуқур таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилди.

Иқтисодий процессуал кодексининг қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда фаолият юритаётган иқтисодий судларда ишларни юритиш тартиби такомиллаштирилди, жумладан соҳадаги қонунчилик ва амалиётдаги айрим камчиликлар бартараф этилди, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш механизмлари такомиллашди.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари янада такомиллашгани боис, Кодексдаги нормалар замон талабларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг 1 апрелидан кучга кириши белгиланган Иқтисодий процессуал кодекси амалдаги Хўжалик процессуал кодексидан фарқли равишда асосий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, иқтисодий судларга мурожаат этиш шакллари белгиланди: даъво аризаси, ариза, шикоят (протест) шаклида;

- фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан юзага келадиган низолар бўйича — **даъво аризаси шаклида**;

- буйруқ тартибида иш юритиш, алоҳида тоифадаги ишлар бўйича ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда — **ариза шаклида**;

- апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда, шунингдек ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда **шикоят (протест) шаклида** амалга оширилади;

иккинчидан, ишларни ҳал қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенгроқ фойдаланишга оид нормалар белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сонли Фармони билан тасдиқланган Дастурнинг 26-банди ижросини таъминлаш мақсадида суд мажлисини аудио ва видео қайд этиш белгиланди.

Эндиликда суд мажлисларини аудио ва видеода қайд этиш амалиёти янада кенгайтирилади. Бундай замонавий услубнинг кенг жорий этилиши суд мажлислари тўлиқ қонун талаблари асосида ўтишини таъминлайди. Шунингдек, суд мажлиси ёзилган аудио ёки видеоёзув билан унда қатнашган шахсларни таништириш имконияти берилмоқда. Шуни айтиш керакки, ишни аудио ва видео ёзувда қайд этишни ҳар бир судда бирданига амалга оширишнинг имконияти йўқ. Шу сабабли, қонунчиликка киритилган бу имконият тегишли техника воситалари билан судларни тўлиқ жиҳозлашга ҳам замин яратди;

учинчидан, чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишларни ҳамда йўқолган суд ишини ва ижро ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги ишларни кўриш тартибини белгиловчи боблар Кодексга киритилди. Яъни, Хўжалик процессуал кодексида йўқолган суд ишини ва ижро юритишни тиклаш тўғрисидаги ишларни юритиш юзасидан ҳеч қандай норма мавжуд эмас эди;

тўртинчидан, мураккаб тоифадаги ишларни ҳал қилиш механизмла-

Протестлар бўйича ишларни назорат тартибида қуйидагилар кўради:

* *Олий суднинг судлов ҳайъати — барча иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича;*

* *Олий суд Раёсати — барча иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари ҳамда Олий суд судлов ҳайъатининг назорат тартибида чиқарган қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича.*

рини такомиллаштириш мақсадида айрим низоларни ҳал этиш вилоят даражасидаги иқтисодий судлар судловига ўтказилди. Ҳозирги кунда туман ва шаҳар иқтисодий судлари ҳам фаолият юритмоқда. Вилоят даражасидаги иқтисодий судларда иш тажрибаси юқорироқ бўлган судьялар фаолият юритади. Шунинг учун ҳам мураккаб тоифадаги ишларни ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида айрим низоларни ҳал этиш вилоят даражасидаги иқтисодий судлар судловига ўтказиладиган бўлди;

бешинчидан, низоларнинг тезкор кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида судловлиликнинг умумий қоидалари ўзгартирилди (юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан даъво аризалари судга уларнинг рўйхатга олинган жойи бўйича берилади). Маълумки, юридик шахслар рўйхатдан ўтмаган жойида ҳам фаолият юритиши мумкин. Ҳозирги кунда ишлар юридик шахс жойлашган жойда кўрилади. Айтиб ўтилганидек, улар турли жойларда фаолият юритадиган бўлса, ишни кўришда қатор қийинчиликлар туғилиши мумкин. Бу борада аниқлик киритилгани, яъни қорхона ёки ташкилотга оид даъво аризаси улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилиши суд учун шу субъектдан турли ҳужжатларни олиш, суд иши билан боғлиқ бошқа жараёнларни олиб боришда қулайлик яратади. Бу жиҳат суд ҳужжатини ижро этиш жараёнини ҳам бирмунча енгиллаштиради;

олтинчидан, иқтисодий суд иш юритувининг иштирокчилари рўйхати кенгайтирилди, оид судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатида «мутахассис» киритилди. Маълумки, суд иш юритувида турли соҳаларга оид ишлар келиб тушади. Ҳар соҳанинг, хусусан, судда кўриб чиқиладиган ҳар бир ишнинг ҳам ўзига хос томонлари бўлади. Уларга аниқлик киритиш мақсадида айрим ҳолларда экспертиза хулосаси талаб қилинади. Бу эса вақт, маблағ талаб этадиган жараёндир. Айрим низоларни ҳал қилишда эса мутахассиснинг маслаҳати (тушунтириши) етарли ҳисобланади;

еттинчидан, шартномавий (ихтиёрий) вакилларнинг рўйхати келтирилди, шунингдек судда иш юритишда вакил сифатида профессионал фаолиятни фақат адвокат амалга ошириши белгиланди. Бу норма жамиятда адвокатларнинг ўрни ва роли ошишига ҳам замин яратади. Хўжалик процессуал кодексида бу норма мавжуд эмас эди. Суд мажлисида юридик шахс вакили сифатида юридик маълумотга эга бўлмаган ҳамда у вакил сифатида иштирок этаётган қорхона ёки ташкилотда ишламайдиган, баъзида тегишли малага эга бўлмаган шахс қатнашар ва бу низони ҳал этишда қийинчиликлар туғдирарди. Бу норманинг киритилиши билан эндиликда фақатгина ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакили сифатида ушбу ташкилотда доимий асосда меҳнат шартномаси орқали ишлайдиган шахслар ёки профессионал фаолият билан шуғулланувчи адвокатлар иштирок этиши мумкин;

саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли Фармони билан тасдиқланган Дас-

турнинг 39-банди ижросини таъминлаш мақсадида коммунал тўловлар юзасидан қарздорликни ундириш бўйича ўзгартишлар киритилди. Яъни, мазкур Фармон билан тасдиқланган Дастурда коммунал қарздорлик бўйича суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг кенгайтирилган рўйхатини (қарзни узиш тўғрисидаги талаб, коммунал тармоқдан узиб қўйиш далолатномаси, истеъмолчи билан тузилган шартнома, қарздор томонидан эътироф этилган қарздорлик ҳисоб-китоби, кўчмас мулк эгаси тўғрисидаги маълумотнома ва бошқалар) кўрсатилиши назарда тутилган эди. Шу сабабли, Кодекс 138-моддасининг иккинчи қисмида ушбу рўйхат шакллантирилди. Эндиликда, агар ушбу моддада кўрсатилган ҳужжатлар суд буйруғи бериш ҳақидаги аризага илова қилинмаган бўлса, суд буйруғи бериш ҳақидаги ариза судья томонидан белгиланган тартибда қайтарилади;

тўққизинчидан, низоларнинг самарали ҳал қилинишини таъминлаш, тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолишга қўмаклашиш мақсадида низоларни тарафларни ўзаро келиштириш асосида ҳал қилишга бағишланган келишув битимига оид янги боб киритилди. Низоларнинг самарали ҳал қилинишини таъминлаш, тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолишга қаратилган бундай меъёр аввал қонунчиликда кенг акс эттирилмаган эди. Эндиликда келишув тушунчаси, уни қандай ҳолларда тузиш мумкинлиги битта бобга (16-боб) камраб олиниб, кенгрок тушунтириб берилди;

ўнинчидан, «суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш», «суд музокараси», «апелляция, кассация шикоят (протести)ни иш юриштишга қабул қилишни рад этиш», «апелляция, кассация шикоят (протести)ни кўрмасдан қолдириш» каби институтлар киритилди.

«Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш»га оид норма Хўжалик процессуал кодексида йўқ эди (фақат суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисида норма бор эди). Эндиликда, агар суд буйруғи бериш ҳақидаги ариза белгиланган тартиб-қоидаларига риоя этилмасдан топширилган бўлса, бу ариза Иқтисодий процессуал кодексининг 141-моддаси талаби асосида суд ажрими орқали қайтарилади. Мазкур ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин. Шунингдек, янги институт – «суд музокараси» киритилди. Эндиликда суд муҳокамаси жараёнида алоҳида тартиб сифатида суд музокараси белгилаб берилди;

ўн биринчидан, апелляция ва кассация инстанцияси судларининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юбориш бўйича ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш тартиби жорий қилинди. Бу борада фақатгина битта истисно мавжуд бўлиб, Иқтисодий процессуал кодекси 279-моддаси тўртинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асос, яъни ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга суд ҳақли ҳисобланади.

«Апелляция, кассация шикоят (протести)ни кўрмасдан қолдириш»

институтига оид норма билан, агар апелляция шикоят (протести) иш юритишга қабул қилинганидан сўнг унинг имзоланмаганлиги ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси ва исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги аниқланса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. Мазкур ажрим устидан фақатгина назорат тартибда шикоят қилиниши мумкин;

ўн иккинчидан, назорат инстанциясида иш юритишни белгиловчи нормалар тубдан қайта кўриб чиқилди, эндиликда қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари, агар

Протест келтиришга қуйидагилар ҳақли:

** Олий суднинг раиси ва Бош прокурор – ҳар қандай иқтисодий суд қабул қилган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан;*

** Олий суд раисининг ўринбосарлари ва Бош прокурорнинг ўринбосарлари – ҳар қандай иқтисодий суд қабул қилган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан, бундан Олий суд Раёсатининг қарорлари мустасно.*

ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ушбу суд ҳужжатлари тўғрисида бузилган бўлса, ушбу шахсларнинг шикоятлари бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларининг протести бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибда қайта кўрилиши мумкин. Назорат шикояти (протести) бевосита Ўзбекистон

Республикаси Олий судига берилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади. Назорат шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарори устидан у қонуний кучга кирган кундан эътиборан **бир йил ичида берилиши** (Хўжалик процессуал кодексида бу муддат 3 йилни ташкил этарди) мумкинлиги, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин берилган назорат шикояти кўриб чиқилмаслиги аниқ норма сифатида белгиланди;

ўн учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сонли Фармони билан тасдиқланган Дастурнинг 39-банди ижросини таъминлаш мақсадида суд ҳужжатларини ижро этиш бўйича бобнинг нормалари ҳам такомиллаштирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Иқтисодий процессуал кодексининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди, шунингдек давлатимизнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Б. ИСАКОВ,
Олий суд раисининг ўринбосари

Асосий мақсад шуки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода «Адолат қўрғони»га айлантириш зарур.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Судьяларнинг дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашувга чек қўйиш, судларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этиш тўғрисида Президентимиз томонидан бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги, «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 февралдаги фармонлари суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва унинг фаолият самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Судлар фаолиятини таъминлаш, жумладан, суд ходимларининг меҳнат шартларини, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш ҳамда ушбу масалаларни ижро этувчи ҳокимиятдан мустақил тарзда ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги Қарори билан Олий суд ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди ва унинг

асосий вазифаси этиб, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш, шунингдек уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳамда судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш белгиланди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техника ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор асосида суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Бу эса, ўз навбатида, суд корпуси ходимлари фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техника таъминотини яхшилашга хизмат қилади.

Бугунги кунда судларнинг умумий сони 607 тани ташкил этиб, улар ўз фаолиятини қонунда белгиланган ваколатлари доирасида амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорда суд органларини таъминлаш учун — 219,7 млрд. сўм маблағ давлат бюджетидан ажратилиши белгиланди.

Жорий йилдан бошлаб суд биноларини қуриш ишлари давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиб, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш мақсадида 2018 йилда судларнинг янги маъмурий биноларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари учун давлат бюджетидан 35 та объектга 47 млрд. 600 млн. сўмлик маблағ (бу ўтган йилларга нисбатан икки баробарга кўп) ажратилди.

Жорий йилда суд биноларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилишини таъминлаш ҳамда иш сифатини ошириш мақсадида Департаментнинг барча ҳудудий бўлимларига суд тизимида бинолар қуриш ва реконструкция ишларини бажариш учун буюртмачи сифатида ҳокимликлар қошидаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари жалб қилинмоқда.

Асосий воситалар, уларнинг адолатли тақсимланиши, суд биноларининг ахволини ўрганиш, судга келган фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш, тизимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, Департамент ва унинг ҳудудий бўлимларида ишларни тўғри ташкил этиш орқали иш самарадорлигини кўтариш, судья ва ходимларга имкон қадар иш шароитини яхшилаш, суд органларини зарур анжомлар, компьютер ва бошқа замонавий ташкилий-техника воситалари билан таъминлашга ва

уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган дастур ва йўл хари-талари асосида тизимли фаолият олиб борилмоқда.

Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги 346-сонли қарори асосида иқтисодий судлар тизимида бу борада салмоқли ишлар қилиниб, мавжуд амалиёт хориж давлатлари судлари ҳамда халқаро экспертлари томонидан ижобий эътироф этилганди.

Шу билан биргаликда, фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига оид «E-SUD» Электрон судлов ахборот тизими (ЭСАТ) ишлаб чиқилиб, амалиётга синов тариқасида жорий этилди.

Айни пайтда, судлар фаолиятига АКТ тизимини кенг жорий этилишига катта эҳтиёж мавжуд. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори ва ушбу Қарор билан тасдиқланган 2017—2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастур бу йўналишда судлар учун тарихий воқеа бўлди.

Дастурда суд иши самарадорлигини оширадиган, суд жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайдиган, суд иштирокчилари учун қатор қулайликлар яратилишини кўзда тутувчи чоралар белгиланган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳарбий, маъмурий ва иқтисодий судларда локал ҳисоблаш тармоғини куриш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг корпоратив тармоғини яратиш ва унга локал ҳисоблаш тармоғини улаш ишлари олиб борилмоқда.

Олий суд фаолиятига «E-XSUD» ахборот тизими орқали мурожаатлар билан ишлашнинг электрон тартиби жорий этилди. Бу эса, Олий судга келиб тушган ҳар қандай ҳужжат ва мурожаатларни суд девонхонаси орқали электрон тартибда рўйхатдан ўтказиш ва масъул ижрочиларга ўз вақтида тақдим этиш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш, тоифаларга ажратиш ҳамда ижросини доимий назорат қилиб туриш имконини берди.

Фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий судларда видеоконференцалоқа тизимини босқичма-босқич жорий қилиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судларга иқтисодий судлар каби видеоконференцалоқа тизимини жорий этиш

ишлари якунланди.

Судья ва ходимларни билим даражасини оширишда АКТ имкониятларидан янада кенг фойдаланиш, хусусан, масофавий аудио семинарлар ўтказиш йўлга қўйилмоқда. Бунда, ҳар бир туман (шаҳар) судлари билан аудио боғланиш орқали тегишли тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

2018 йилдан бошлаб, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳамда маъмурий судлар фаолиятига (биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида) марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси жорий этилди.

Шунингдек, иқтисодий судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатлари (ижро варақаси, суд буйруғи)ни ижро этиш учун Мажбурий ижро бюросига электрон шаклда юбориш имконини берувчи дастурий таъминот ишга туширилди.

Мазкур дастурий таъминот ижро ҳужжатларини ўз вақтида ижро этиш учун юбориш, ижросига доир маълумотлар ва ҳужжатларни электрон тарзда олиш, идоралараро турли хил солиштириш маълумотларини инсон омилсиз электрон шаклда автомат тарзда шакллантириш, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижросини таъминлаш, ижросига доир маълумотларни онлайн тарзда мониторинг қилиб бориш, қоғоз, канцелярия товарлар ва почта харажатлари учун сарфланадиган маблағларни тежаш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июндаги судьялар билан учрашувида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 7 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Судлар фаолиятини очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш» Тартибининг ижросини таъминлаш бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси Олий суд ва Судьялар олий кенгаши раислари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири томонидан 2018 йил 23 январда тасдиқланиб, биринчи навбатда 12 та судлар, хусусан Термиз шаҳар маъмурий суди, Шеробод туман маъмурий суди, Денов туман маъмурий суди, жиноят ишлари бўйича Сарийосиё туман суди, Хонқа туман маъмурий суди, Гурлан туман маъмурий суди, Хива туман маъмурий суди, жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман суди, жиноят ишлари бўйича Хазорасп туман суди, фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди, Наманган туманлараро иқтисодий суди, Учкўрғон туманлараро иқтисодий суди фаолиятига жорий этилмоқда. Танланган судларнинг барчаси юқори тезликда ишлайдиган оптик толали интернет тармоғи билан уланди.

Судлар очиқлигини янада ошириш мақсадида жиноят, маъмурий ва фуқаролик ишлари ҳақидаги маълумотлар ҳар ҳафтада республика оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилмоқда. Ушбу маълумотлар Олий суднинг веб-сайтига жойлаштириб келинмоқда.

Суд ва суд корпуси ходимларининг ижтимоий ҳимоясига давлат томонидан катта эътибор берилиб, судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олиши учун узоқ муддатли ипотека кредити берилмоқда. Шунингдек, судьялар ва суд ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун пул компенсацияси тўланиб келинмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари 2017 йил 13 июнда суд корпуси билан учрашувда одил судловни рўёбга чиқаришда тўсиқ бўлаётган муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилган хатолар ва жиддий нуқсонларни кўрсатиб, мамлакатимиз суд тизимини ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берганди. Шу асосда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июнда «Адолат саройи» мажмуасини барпо этиш бўйича Р-4997-сонли Фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, мажмуада Судьялар олий кенгаши, Конституциявий ва Олий судлар, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш Тадқиқот маркази, Олий суд ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти, Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси ҳамда Одил судлов академиясини жойлаштириш кўзда тутилган.

Давлат раҳбарининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида марказий суд органлари ва муассасаларини ўзида бирлаштирадиган «Адолат саройи» мажмуасини куриш, суд тизими ходимларини тайёрлашга ихтисослашган Одил судлов академиясини ташкил этиш ва судлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг тузилмасини бугунги кун талабларига мувофиқлаштириш тадбирларини амалга ошириш вазифаси белгиланди.

Мазкур вазифалардан кўзланган асосий мақсад, судлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш заруриятини инобатга олган ҳолда уларнинг тузилмасини ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштиришга эришишдир.

Хулоса қилиб айтганда, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бу каби ишларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва нуфузини оширишда, судни том маънода «Адолат кўрғони»га айлантиришга хизмат қилади.

Б. ТЕШАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди ҳузуридаги Судлар
фаолиятини таъминлаш
департаменти директори

САЙЁР СУД

МАЖЛИСЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маълумки, иқтисодий судларга тааллуқли ишлар доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ўз навбатида, иқтисодий судлар томонидан аҳоли билан очик мулоқотлар ташкил этилаётгани, маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлислари ўтказиш йўлга қўйилгани суд тизимининг очиклигини таъминлаш билан бирга, аҳолининг суд тизимига, адолатга, ва пировардида давлатга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июнь куни судьялар корпуси вакиллари билан бўлган учрашувида билдирилган фикрлардан кейин амалиётга янада кенг жорий этилмоқда.

Хусусан, 2017 йилнинг сўнги олти ойи мобайнида Навоий вилоят ҳамда туманлар аро (туман) иқтисодий судлари томонидан кўрилган 4799 та ишнинг 3084 таси ёки 64,2 фоизи сайёр суд мажлисларида ҳал этилган.

Сайёр суд мажлисларининг муҳим жиҳатларидан бири ишларни кўриш чоғида муаммоли масалаларга ойдинлик киритиш, иш учун аҳамиятли далилларни жойида талаб қилиб олиб, ишни кўришни бошқа кунга колдирмасдан, шу суд мажлисининг ўзида ўрганиб чиқиш имкониятининг мавжудлигидир.

Масалан, Навбахор туман давлат солиқ инспекцияси судга мурожаат қилиб, жавобгар – «Имкон Сардор» МЧЖга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача молиявий санкция қўллашни сўраган.

Ишни Навбахор туман ДСИ биносида, сайёр суд мажлисида кўриш тайинланган. Ишни кўриш жараёнида жавобгар вакили эътироз билдириб, қўлланилган молиявий санкцияни ихтиёрий равишда тўлаганлиги, лекин бунга тасдиқловчи ҳужжатларни олиб келмаганлигини билдирди.

Суд мажлисида иштирок этган ДСИ инспектори бундан хабари йўқлиги ва тегишли маълумотларга эга эмаслигини билдириб, арз қилинган талабни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд қайд этилган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида ДСИ чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бўлими мутахассисини жалб этиб, батафсил маълумот тақдим этишни талаб қилди. Аниқланишича,

ҳақиқатан ҳам молиявий жарима жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўланган. Шу сабабли, суд аризаچининг талабини рад этган.

Бундай мисоллар, шу жумладан давлат солиқ хизмати органлари томонидан суд мажлисига тайёргарлик кўрмасдан келиш ҳолатлари учраб туради. Шунинг учун ҳам Навоий вилоят иқтисодий судлари томонидан давлат солиқ хизмати органларининг 94,4 фоизи аризалари уларнинг биноларида, сайёр суд мажлисларида ҳал этилган.

Сайёр суд мажлиси чоғида маълум бир объектининг судья томонидан кўздан кечирилиши ҳам низони ўз вақтида ва тўғри ҳал этиш учун катта аҳамиятга эга.

Масалан, «Трансгаз» инжиниринг корхонаси (буюртмачи) ва Нефтегаз қурилиш ва таъмирлаш» шўъба корхонаси (пудратчи) ўртасида тузилган шартномага асосан пудратчи томонидан Кармана туманидаги 8,2 км масофада газ қувурларини ётқизиш ишлари амалга оширилган. Газ қувурларини ётқизиш бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан газ қувурлари «Жалойир ғаллақори» деҳқон хўжалигининг ер майдонларидан ўтказилган. Ушбу қувурларни ётқизиш жараёнида деҳқон хўжалиги ер майдонидаги 0,448 гектарга экилган помидор кўчатлари нобуд бўлган ва деҳқон хўжалиги ушбу ер майдонидан бир тоннадан зиёд ҳосилни ололмаган. Ваҳоланки, ушбу деҳқон хўжалиги «Навоий агро экспорт» МЧЖ билан 1 000 кг помидорни (хар бир килограмми 7 500 сўмдан) етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган. Шу боис, деҳқон хўжалиги Кармана туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, буюртмачи ва пудратчидан 7 500 000 сўм зарар (бой берилган фойда)ни ундиришни сўраган.

Бундан ташқари, «Саховат бозори» МЧЖнинг 2017 йил 18 октябрдаги маълумотномасига кўра, 2017 йилнинг июнь ойида 1 кг помидор ўртача 8 000 – 9 000 сўмдан сотилган.

Бинобарин, даъво талабида помидор кўчатлари нобуд бўлмаганида деҳқон хўжалиги помидордан камида 7 500 000 сўм фойда олиши мумкинлиги важ қилиб кўрсатилган.

Суд иш ҳужжатларига аниқлик киритиш мақсадида ишни сайёр суд мажлисида кўриш ва ҳолатни жойида кўздан кечиришни лозим топади ва натижада ер майдонидан газ қувири ўтказилганлиги оқибатида деҳқон хўжалиги ҳосилининг нобуд бўлганини аниқлайди ҳамда даъвони қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Т. АБДРАМАНОВ,
Навоий вилоят иқтисодий
суди раиси,

Ш. ЗАЙНИЕВ,
судья катта ёрдамчиси

ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда давр синовларидан ўтолмаётган ва ўзини оқламаётган айрим жиноий жазо турларидан воз кечилиб, уларнинг ўрнига самарали жазо турлари киритилмоқда. Жумладан, 2015 йил 10 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиши тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, амалдаги Жиноят кодексининг 43 ва 48¹-моддалари «озодликни чеклаш» тариқасидаги янги жазо тури билан тўлдирилди.

Мазкур жазо турининг амалиётга жорий этилиши мамлакат қонунчилиги тарихида янгилик бўлди.

Озодликни чеклаш жазоси ҳозирда Россия, Буюк Британия, Франция, Италия, Швеция, Швейцария, Испания, Польша ва бошқа давлатларнинг қонунчилигида назарда тутилган.

Қонунчилигимизга озодликни чеклаш жазоси халқимизнинг азалий қадриятлари, турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳисобга олинган ҳолда киритилди ва ўзига хослиги билан бошқа давлатлар қонунчилигидаги тегишли нормаларда тубдан фарқ қилади.

Хусусан, озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат бўлиб, фақат асосий жазо сифатида қўлланилади. Ушбу жазо жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларга бир ойдан беш йилгача, вояга етмаганларга нисбатан эса олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назоратида ўталади. Жазони ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқиб, суд томонидан белгиланади.

Суд чеклашнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, маҳкумнинг зиммасига муайян жойларга бормаслик; оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; муайян фаолият билан шуғулланмаслик; муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик; транспорт воситасини бошқармаслик; маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик; муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик; алоқа воситаларидан, шу жумладан интернетдан фойдаланмаслик; алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик сингари қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклайди.

Бундан ташқари, суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарни қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши ҳам мумкин.

Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиний қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилади.

Жиноят кодексига киритилган ўзгартишларда суд маҳкум озодликни чеклаш жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаган ёхуд суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Бунда жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига кўшиб ҳисобланмайди.

Жиноят-ижроия кодексининг 44⁴-моддасига мувофиқ, ўзига нисбатан суд томонидан белгиланган тақиқларни (чеклашларни) бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантириш тарзида интизомий жазо қўлланганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузишга йўл қўйган; ўзига нисбатан техник назорат воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузган; яшаш жойидан яширинган, каерда экани уч суткадан ортиқ вақт ичида аниқланмаган ҳамда яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясига белгиланган муддатдан уч суткадан ортиқ вақт мобайнида келмаган маҳкумлар озодликни чеклаш жазосини ўташдан қасддан бўйин товлончилар деб эътироф этилади.

Таъкидлаш жоизки, озодликни чеклаш жазоси ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ҳамда Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлмаганлар шахсларга қўлланилмайди.

Суд мазкур жазони тайинлаш ва маҳкумга нисбатан тақиқларни юклаш пайтида содир этилган жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қўллайдиган тақиқларнинг қамров доирасига албатта аниқлик киритади. Масалан, озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахсга оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этиш тақиқланадиган бўлса, унинг айнан қандай тадбирларда (тўй, маърака, байрам, концерт) иштирок этмаслиги кўрсатилиши шарт.

Юқорида қайд этилган Қонунга мувофиқ Жиноят-ижроия кодексига «Озодликни чеклаш тартиқасидаги жазони ижро этиш» деб номланувчи 8¹-боб ва 4 та янги модда (44¹ – 44⁴-моддалар) киритилди. Ушбу моддалар жорий этилган жазо турини ижро этиш ва жазони ўташ, муддатини ҳисоблаш тартибини, жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун юзага келадиган жавобгарликни белгилайди.

Озодликни чеклаш жазоси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ёки суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгилаган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган бошқа орган томонидан ижро этилади. Жазо муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади. У узрли сабабларсиз, ўзбошимчалик билан яшаш жойида бўлмаган

вақт озодликни чеклаш муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш учун чакирув бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига келиши шарт. Эҳтиёж сезилса, маҳкумга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилади.

Маҳкумнинг муайян вақтда яшаш жойидан кетиши, маъмурий ҳудуд доирасидаги жойларга бориши ёхуд белгиланган маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши учун жазоларни ижро этиш инспекциясининг рухсатномаси талаб этилади. Шунингдек, маҳкум яшаш жойини ўзгартираётганда ҳам жазоларни ижро этиш инспекциясидан рухсатнома олади. Уй-жойидан чиқиб кетишига бутунлай тақиқ белгиланган маҳкумнинг доимий яшаш жойидан кетиши, тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши ёхуд яшаш жойини ўзгартириши учун талаб қилинадиган рухсатномаларга прокурор томонидан санкция берилади.

Маҳкум озодликни чеклаш жазосини ўташ тартиби ва шартларини бузса, жазоларни ижро этиш инспекцияси унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллайди. Маҳкум озодликни чеклаш жазосини ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш тўғрисида тақдимнома киритади.

Айтиш жоизки, мустақил жазо тури сифатида қонунчиликка киритилган озодликни чеклаш жазоси қисқа фурсатларда суд амалиёти синовидан муваффақиятли ўтди.

Масалан, биргина жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти туман ва шаҳар судлари томонидан мазкур жазо тури 2016 йилда 273 та жиноят иши бўйича 377 нафар шахсга нисбатан, 2017 йил мобайнида эса 912 та жиноят иши бўйича 1219 нафар шахсга нисбатан қўлланилди.

Ана шу рақамларнинг ўзиёқ ушбу жазо тури қонунчиликка бевосита халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва тақлифлари эътиборга олинган ҳолда ўз вақтида киритилганининг яққол далилидир.

Зотан, озодликни чеклаш жазоси билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган ва қилмишидан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар учун катта имкониятдир. Одиллик, инсонпарварлик, қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига тўла мос бўлган бу жазо тури маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва бошқаларнинг жиноят содир этишларининг олдини олишга хизмат қилади.

И. МАМАНОВ,
Тошкент вилоят
маъмурий суди судьяси,
юримдик фанлар номзоди

Шах томонидан унинг жиноий жавобгарликка тортилишигача бир вақтнинг ўзида ёки илгари содир этган жинояти учун судланганидан кейин содир этилган икки жиноий қилмишнинг ҳеч бўлмаганда, бири учун жиноий-ҳуқуқий оқибатлари тугамаган ёки олиб ташланмаган (муддати ўтмаган) бўлса, шунингдек жиноят ишини қўзғатишга процессуал тўсиқлар бўлмаса, бир қанча жиноят содир этиш ҳолатлари юзага келади.

ТАКРОРАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР, ЖИНОЯТЛАР МАЖМУИ ҲАМДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 32-моддасининг биринчи қисмига кўра, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан битта моддасида, қисмида, Кодекса алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Такроран жиноят содир этишнинг бир қанча белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин: шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши; жиноятнинг турли вақтларда содир этилиши; айнан бир моддада, қисмида, баъзи ҳолларда эса, турли моддаларда назарда тутилган янги жиноятнинг содир этилиши; шахснинг содир этилган жиноий қилмишларидан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаслиги.

Шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг кетма-кет содир этилиши жиноятни такроран содир этишнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши уларнинг бир-биридан вақт бўйича ажратилиши, яъни уларнинг ҳар бири кейингисидан кичик бўлса-да, муайян вақт оралиғи билан ажратилишини такозо этади.

Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши бир қанча жиноят содир этиш белгиси сифатида мазкур тушунчани жиноятларнинг идеал мажмуи тушунчасидан фарқлаш имконини беради.

Жиноятларнинг идеал жами деганда, ЖКнинг Махсус қисми турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноий қилмишни бир вақтнинг ўзида жи-

ной ҳаракат билан содир қилишга айтилади. Жиноятни такроран содир этишда айбдор томонидан содир этилган ҳар бир ҳаракат жиноят қонуни нуқтаи назаридан мустақил жиноят деб топилади, ЖКда назарда тутилган алоҳида ҳолларда жиноятни такроран содир этиш нафақат бир хил, балки бир турдаги ёки турли жиноятларнинг бирикувидан ташкил топади. Масалан, номусга тегиш жинояти содир этилганидан сўнг жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш бу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам айбдор судланмаган тақдирда, такроран жиноят содир этиш деб квалификация қилинади, судланган бўлса, жиноятлар рецидив жиноят деб баҳоланиши лозим.

Такроран жиноят содир этиш белгилари тугалланган ва тугалланмаган жиноятларга ҳам, шунингдек иштирокчиликда содир этилган жиноятларга ҳам тегишлидир.

ЖК 32-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Агар шахс ЖКнинг 65, 66, 66¹, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига асосан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлиб, қасддан илгари содир этган жиноятига ўхшаш янги жиноят содир этса, уни такроран жиноят содир этган деб топиш мумкин эмас.

ЖК 32-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиний қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Давомли жиноят деганда, ягона мақсад йўлида амалга ошириладиган, умумий қасд доирасида бирлашган икки ва ундан ортиқ ижтимоий хавфли ҳаракатлар тушунилади. Давомли жиноятларнинг ўзига хос хусусияти барча жиноятларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир бутунни ташкил қилишда намоён бўладиган барча эпизодларнинг ягоналигидир.

Давомли жиноятлар такроран содир этилган жиноятлардан фарқ қилади. Давомли жиноятлар бир қатор ўхшаш ёки бир хил ҳаракатлардан ташкил топадиган, ягона қасд билан қамраб олинган ва битта умумий мақсадга эришишга йўналтирилган бир марталик жиноятдир, такроран содир этилган жиноятлар эса, турли хил мустақил жиноятлардан иборат бўлади ва айбдорнинг нисбатан юқори ижтимоий хавфлилиги ва жиний ниятларининг барқарорлигини ифодалайди.

ЖК 32-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, вазифаларни узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Узоққа чўзилган жиноятлар деганда, жиний жазо қўллаш таҳдиди билан айбдорга қонунга мувофиқ юклатилган вазифаларнинг узоқ вақт мобайнида бажарилмасли-

гидан иборат ҳаракат ёки ҳаркатсизлик тушунилади. Ҳаракатсизлик билан бу жиноят шахснинг ҳуқуқий мажбуриятларини бажармаслиги, ҳаракат билан эса, қонунда тақиқланган воситаларни сақлаш орқали содир этилади.

Узоққа чўзилган жиноятнинг ўзига хос белгиси — унинг вақтдаги танаффуслар билан содир этилган давомли жиноятлардан фарқли равишда мунтазам давом этишидир. Узоққа чўзилган жиноят таркибини бошқа жиноий таркиблар турларидан ажратувчи иккинчи хусусияти — муайян ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятларининг мавжудлигидир.

Узоққа чўзилган жиноят, қанча вақт мобайнида амалга оширилганидан қатъи назар, битта жиноят сифатида, такроран содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик белгиларида эса, узоққа чўзилган жиноятни содир этиш бўйича битта қилмишнинг қатори сифатида кўрилиши керак.

ЖК 33-моддасининг биринчи қисмига асосан ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агар улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Жиноятлар мажмуини қуйидаги уч белги билан тавсифлаш мумкин:

шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилганлиги;

содир этилган қилмишлар жиноят қонунининг турли моддалари бўйича баҳолалиши, яъни юридик табиати бўйича турли жиноятлар бўлиши;

бу жиноятлар шахс томонидан судлангунга қадар содир этилиши, яъни уларнинг ҳали суд жараёни предмети бўлмаганлиги ва айбдорнинг бу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам жазоланмаган бўлиши.

Жиноятлар мажмуи бир қилмиш билан иккита жиноятни содир этиш ҳолларида ҳам вужудга келиши мумкин.

Жиноятлар мажмуининг такроран жиноят содир этишдан фарқи шундан иборатки, жиноятлар мажмуида қилмиш ҳар доим шахс томонидан мустақил квалификация қилинадиган иккита турли мустақил жиноятлар содир этилишини назарда тутати, такроран жиноят содир этишда эса, ижтимоий хавfli қилмишлар ўхшаш, истисно ҳолларда бир турдаги ёки ҳар хил жиноятлар ҳисобланади.

Такроран жиноят содир этишдан фарқли ўлароқ, жиноятлар мажмуи фақат бир хил эмас, балки турли хилдаги ёки бир турдаги жиноятлар муштараклигини ташкил этади, шунинг учун жиноят мажмуида унинг таркибига кирувчи қилмишлар мустақил квалификация қилинади.

Жиноятлар мажмуи жиноят ҳуқуқи назариясида турларга бўлинади: жиноятлар идеал мажмуи ва жиноятлар реал мажмуи.

Жиноятларнинг идеал мажмуида бир қилмиш билан бир вақтнинг ўзида икки

ёки ундан ортик жиноятлар содир этилади.

Жиноятлар реал мажмуида мустақил квалификация қилинадиган бир қанча жиноятлар турли қилмишлар билан содир этилади. Масалан, шахс олдин ўғирлик жиноятини содир қилган бўлиб, жиноий жавобгарликка тортиш муҳлати ўтмасдан безорилик жиноятини содир қилса, бундай жиноятлар жиноятларнинг реал мажмуини ташкил қилади. Жиноятларнинг идеал мажмуидан фарқли ўлароқ, жиноятлар реал мажмуининг ўзига хос хусусияти қилмишларнинг вақт оралиғида мос келмаслигидир.

ЖК 33-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар шахс содир этилган қилмишда ЖК Махсус қисми айнаи бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Қонун чиқарувчи бундай ҳолларда жавобгарлик модданинг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи қисми бўйича баҳоланишини назарда тутади.

ЖК 34-моддасининг биринчи қисмига асосан шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

Рецидив жиноятлар бир қанча жиноят содир этиш шакли сифатида шу билан тавсифланадики, айбдор шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин янги жиноят содир этади. Бу қуйидаги икки белгига асосланган умумий ёки оддий рецидив жиноятлардир:

қасддан янги жиноят содир этилиши;

илгари қасддан содир этилган жиноят учун шахснинг ҳукм қилинганлиги.

Рецидив жиноятларнинг оддий рецидив, хавфли рецидив ва ўта хавфли рецидив жиноят турлари мавжуд.

Оддий рецидив жиноят содир этиладиган жиноятларнинг бир турдаги ва ҳар хил турдагиларига хосдир. Масалан, шахснинг ЖК 122-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганлиги учун судланганидан кейин жазони ўташ давомида ЖКнинг 169-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиши.

Рецидив жиноят шахснинг илгариги жинояти учун судланганлиги билан боғлиқ бўлиб, жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

ЖК 34-моддасининг иккинчи қисмига биноан илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноятни содир қилиш деганда, шахс илгари қасддан содир қилинган жинояти учун судланганидан кейин айнан

ўша моддада ёки модданинг муайян қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этиши тушунилади.

Шахсни хавфли рецидивист деб ҳисоблаш масаласини судлар ҳал қилмайди, балки қонуннинг ўзида белгилаб қўйилган асосларга кўра шахс хавфли рецидивист ҳисобланади. Шахс хавфли рецидивист деб, унинг суриштирув ва тергов органи томонидан айбланиши жараёнида топилиши лозим. Чунки, хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши бир қатор жиноятларнинг тавсифланиш белгиси ҳисобланади ва жиддийроқ жазо чоралари қўллашга олиб келади.

Ўта хавфли рецидив жиноят бир қанча жиноят содир этишнинг энг оғир шаклларида биридир.

ЖК 34-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Ўта хавфли рецидив жиноятнинг асосий ўзига хос белгиси уни содир этган шахснинг ўта хавфли рецидивист деб фақат суд томонидан топилишидир.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

ЖКнинг 34-моддасига кўра, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлганга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

ЖК Махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади.

У. БАҚДУРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Хоразм вилоят суди судьяси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

Ёшларимиз учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратиб қўйилган. Улардан унумли фойдаланиш, фарзандларимизни жамият ва давлат учун нафи тегадиган қилиб тарбиялаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Бирок, бу бурч ота-оналар, устоз-мураббийлар, маҳалла-қўй ва жамоатчилик томонидан қай даражада адо этилаяпти, вояга етмаганлар ўртасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши жиддий курашаяпмизми, деган саволларга доим ҳам ижобий жавоб бера олмаймиз. Шуниси аёнки, биз вояга етмаганлар томонидан содир қилинаётган жиноятларнинг туб сабабларини ўрганмоғимиз, ота-оналарнинг фарзандларини назоратсиз қолдираётганликлари, лоқайдлик ва эътиборсизликка йўл қўяётганликларини тўғри баҳоламоғимиз, ҳуқуқбузарликларнинг олдини барвақт олиш чораларини кўрмоғимиз даркор.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 81-моддасига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) ахлоқ тузатиш ишлари;
- в) қамоқ;
- г) озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Жиноят кодексининг олтинчи бўлими «Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари» деб аталади. Ушбу Кодексга кўра, жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади. Маҳкум жарима тўлашдан олти ой мобайнида бўйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштиради. Бунда, энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жарима ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглаштириб ҳисобланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан бу жазони ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ҳудуддаги жойда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

Мабодо вояга етмаган қамоққа олинса, унга қамоқ бир ойдан уч ойгача муддатга тайинланади.

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- оғир жиноят учун – олти йилгача;

ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

оғир жиноят учун – етти йилгача;

ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умум асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятнинг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд Жиноят кодексининг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш вояга етмаганларга енгиллик беришни кўзда тутаяди.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламастан туриб ҳам тузатиш мумкин, деган ҳулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Суд жазо тайинлашда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш учун жиноятнинг хавфлилик даражасини, енгилроқ жазо тайинлаш омилларини ҳолисона кўриб чиқади ва жиноят қилган вояга етмаганларнинг тўғри яшаш йўлига ўтишларига кўмаклашади.

М. АРИПОВ,
жиноят ишлари бўйича
Вобкент туман суди раиси

ШАХСНИ ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига мувофиқ айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиш принципи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳимояланиш ҳуқуқи уни амалга ошириш кафолатларидан ажралмасдир. Суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериши ҳамда айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятини бериши шарт.

Ҳимояланиш ҳуқуқи давлат органлари томонидан шундай таъминланмаса, у куруқ гапдан иборат бўлиб қолади. Шу органларнинг ўзи ҳар бир иш юзасидан айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаши шарт.

Айбланувчининг (гумон қилинувчининг, судланувчининг) ҳимояланиш ҳуқуқи деганда, унга қўйилган айбловдан шахсан ёки ҳимоячи ёрдамида ҳимояланиш имконини берадиган барча процессуал ҳуқуқлар мажмуини тушуниш лозим.

Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб руҳсат этилади.

Айбланувчи шундай ҳуқуқлар мажмуига эгаки, уларни амалда қўллаш айбланувчига ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконини беради. Жиноий жавобгарликка тортилаётган шахслар учун шу мақсадни кўзлаган ҳолда кенг ҳуқуқлар доираси берилган: жумладан, қамокқа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш (Жиноят-процессуал кодекси 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда

таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судларининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанцияси судларининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамокда сақланаётган ёки уй қамоғида бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир.

Агар Жиноят-процессуал кодекси 230-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт.

Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг илтимосига кўра ишда ҳимоячининг иштирок этишини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд таъминлайди.

Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтдан бошлаб адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмас.

Шундай қилиб, гумон қилинувчини, айбланувчини ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принципи ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи манфаатларини муҳофаза қилишга, шунингдек айбланувчининг ҳуқуқларини тушунтириш ва уларнинг ҳақиқий амалга оширилиши

учун шароит яратиб беришга қаратилган, қонунда белгиланган мажбуриятлари;

б) гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш, ҳуқуқларини бузган тегишли мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини қўйиш имконини берадиган қонунда белгиланган воситалар;

в) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан таклиф этилган ёки терговчи ёхуд суд томонидан тайинланган, қонунда кўрсатилган барча воситалар ва усуллар билан гумон қилинувчини, айбланувчини ва судланувчини оқлайдиган ёки уларнинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлашга эришиши шарт бўлган ҳимоячида мавжуд қонунда мустаҳкамлаб қўйилган воситалар (уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш учун жамоа томонидан белгиланган жамоат ҳимоячиси ҳам бўлиши мумкин).

Процесснинг барча босқичларида айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи субъекти ҳисобланади, лекин унинг процессуал ҳуқуқлари ҳажми бир хил эмас. Суд муҳокамасида бу ҳуқуқлар ҳажми анча кенгрок бўлади, унда айбланувчи томон айбловчи билан тенг ҳуқуқли ҳолатга эга бўлади.

Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқининг мураккаб ва кўп қиррали мазмуни суд, тергов органлари ва прокурордан айбланувчининг процессуал ҳолатини белгилайдиган барча меъёрларга амал қилишни талаб этади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» 1996 йил 20 декабрдаги 41-сонли қарорида қуйидаги тушунтиришлар баён қилинган: «Суриштирув ва дастлабки тергов даврида гумонланувчининг, айбланувчининг ҳимоясига оид процессуал ҳуқуқларига риоя қилинмаган, гумонланувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоячисининг иш учун муҳим аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш юзасидан билдирилган илтимослари асосиз равишда қаноатлантирилмай қолдирилган ҳолларда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа талаблар жиддий равишда бузилган бўлса ва тергов камчиликларини суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, қонунда кўрсатилган тартибда суд ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши лозим».

Жиноят-процессуал кодексининг 487-моддаси мазмунига мувофиқ процесс иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳуқуқлардан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларни чеклаган ёхуд суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқишига бошқача тарзда халал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ушбу Кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилади.

Ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатда, ҳимоячининг ҳам суд мажлисида, ҳам суриштирув ва дастлабки тергов пайтида бўлмаслиги жиноят қонунининг жиддий бузилиши ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳимояланиш ҳуқуқи нафақат шахс, балки одил судлов манфаатларининг ҳам кафолатидир.

М. РАЙИМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Мирзачўл туман суди раиси

УМУМИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ТАСАРРУФ ЭТИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 201-моддасида умумий мулк тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи алоҳида бир шахсга (фуқаро, юридик шахс, давлат, маъмурий-ҳудудий тузилма) тегишли бўлса, мулк бир субъектга ҳисобланади. Учинчи шахслар ушбу шахснинг мулкдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи барча хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари керак.

Агар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи икки ёки ундан кўпроқ шахсга тегишли бўлса, умумий мулк вужудга келиб, бу ҳолда ушбу иштирокчиларнинг барча учинчи шахслар билан ташқи муносабатларидан ташқари мулк иштирокчиларининг ўртасида ички муносабатлар ҳам мавжуд бўлади. Бундай шахслар (шерик мулкдорлар) ўртасидаги ички муносабатларни тартибга солиш зарурияти умумий мулк институти деб аталувчи, мулкдорларнинг ўзларига тегишли умумий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишда шерик мулкдорларнинг иродасини мувофиқлаштиришга мўлжалланган ҳуқуқий нормалар тизимини юзага келтиради.

Умумий мулкнинг икки хил: улушли ва биргаликдаги турлари фарқланади. Ҳар бир иштирокчининг улуши белгиланган мулк улушли бўлади, демак улушлар белгиланмаган мулк биргаликдаги мулк ҳисобланади.

Қонун фақат қатъий белгиланган ҳоллардагина биргаликдаги мулк муносабатлари вужудга келишига йўл қўяди. Зеро, биргаликдаги мулк иштирокчилари томонидан ваколатларни амалга ошириш ўзига хосдир.

Айнан шунинг учун ҳам қонун биргаликдаги мулкнинг улушли мулкка айланишига рухсат берса ҳам, бунинг тескарисига йўл қўймайди.

Қайд этиш лозимки, биргаликдаги мулкда мол-мулкнинг умумийлиги улушли мулкка нисбатан кўпроқ даражада ифодаланган.

Буни биргаликдаги мулк иштирокчилари (эр-хотин, деҳқон хўжалиги аъзолари ва ҳоказо) ўртасидаги муносабатлар анча ишончли ва барқарор хусусиятга эгалиги билан тушунтириш мумкин. Аммо, бу биргаликдаги мулкда умуман улуш йўқлигини англамайди.

Улушли мулкдаги ҳар бир иштирокчининг улуши, одатда, аввалдан белгиланади.

Биргаликдаги мулкда эса, улуш фақат умумий мулк тақсимланганда ёки ажратилганда, яъни биргаликдаги мулк муносабатлари тугатилган пайтда аниқланади. Бу ҳолда ҳам улушли, ҳам биргаликдаги (юқорида кўрсатилган ҳолатларда) мулкдаги улушлар, қонун ёки шартномада ўзгача тартиб белгиланмаган бўлса, тенг деб фараз қилинади.

Умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ва ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади.

Мол-мулкка нисбатан умумий мулкчилик, унинг бўлинмайдиган мол-мулклигидан, қонунга биноан бўлиниши мумкин бўлмаган мол-мулклигидан ёки бўлинадиган 'мол-мулклигидан қатъи назар, вужудга келиши мумкин.

Мол-мулк бўлинувчи сирасига кирса, унга нисбатан умумий мулкчилик фақатгина қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлардагина вужудга келади.

ФК умумий улушли ва умумий биргаликдаги мулкнинг таърифига ҳам, вужудга келиш асосларига ҳам турлича ёндашади.

Умумий улушли мулкнинг вужудга келиш асослари тўла-тўқис аниқланмаган. У қонунда тўғридан-тўғри ёки томонларнинг келишуви, суднинг қароридан назарда тутилган ҳолатларда ҳам, шунингдек умумий улушли мулк пайдо бўлишига сабаб бўладиган бошқа вазиятлар таъсирида ҳам вужудга келиши мумкин.

Умумий улушли мулк иштирокчиларининг доираси қонун билан чекланмаган. Фуқаролар, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида, юридик шахслар, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, фуқаролар ва ҳоказолар ўртасида умумий улушли мулкчилик бўлиши мумкин. Жумладан, мерос мол-мулкнинг қисман эгасизлик ҳолатида бир томондан давлат мулкчилиги, иккинчи томондан эса фуқаролар ва юридик шахслар мулкчилиги вужудга келади.

Бу ҳолда қонун мулкчилигининг турли шакллари ифодаловчи субъектларнинг умумий мулкчилигининг мажбурий тўхталишини талаб этмайди. Аксинча, умумий улушли мулкчилик фақат қонунда назарда тутилган ҳолатлардагина вужудга келиши мумкин, бунда қонун томонидан унинг иштирокчиларининг доираси ҳам қатъий белгиланган.

Ўз навбатида, мол-мулкка нисбатан биргаликдаги мулкчиликнинг пайдо бўлиши фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина мумкин (эр-хотиннинг, деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки). Мол-мулкка биргаликдаги мулк ҳуқуқи биргаликдаги мулк иштирокчиларининг келишувига биноан, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг қарори билан улушли мулкчилик ҳуқуқига алмаштирилиши мумкин. Бунда, ҳар бир мулкдорнинг мулк ҳуқуқидаги улуши белгиланиши лозим.

Биргаликдаги мулк иштирокчилар ўртасидаги яқин алоқалар билан улушли мулкдан ажралиб туради. Биргаликдаги мулк иштирокчилари улушга ҳақли эмаслар. Шу сабабли, умумий мулкнинг бундай шакли улушсиз деб ҳам аталади.

Биргаликдаги мулк иштирокчилари ўз ҳуқуқларини учинчи шахсларга умумий мулкчилик режимини тўхтатмасдан беришга ҳақли эмаслар. Шундай қилиб, биргаликдаги мулк иштирокчиларининг таркиби тасарруфли битимлар асосида ўзгариши мумкин эмас. Биргаликдаги мулк иштирокчиларининг доираси қонунда аниқ белгиланган.

Биргаликдаги мулк иштирокчисининг тасарруф имкониятлари улушли мулкка

нисбатан сезиларли даражада чекланган. У нафақат ўз ҳуқуқларини бошқанинг тасарруфига ўтказишга, балки бошқа иштирокчилар билан муносабатларини улушли мулк муносабатларига ўзгартирмасдан туриб биргаликдаги мулк ажратилишини ёки тақсимланишини талаб қилишга ҳам ҳақли эмас. Бунда, биргаликдаги мулк иштирокчилари келишув йўли билан уни улушли мулк сифатида қайта тузишга, шакллантиришга ҳақли. Қайта тузиш тўғрисида ҳам, улушларнинг миқдори тўғрисида ҳам келишувга эришилмаган тақдирда қарор суд томонидан қабул қилинади.

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда шерик эгаларнинг ҳуқуқлари икки турга: барча умумий мулкка нисбатан, умумий мулкдаги улушга нисбатан бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Бинобарин, умумий улушли мулк эгаларининг ҳар қайсиси ўз улушини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, умумий мулкни шерикларининг розилигидан ташқари тасарруф қила олмайди.

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давомида бундай мулкнинг эгалари ўртасида бўлган низолар умумий мулк иштирокчиларининг ҳар қайсисининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулк эгалари ўз ихтиёрида бўлган мулкни ҳаммаларининг розилиги билан эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва тасарруф этадилар. Агар умумий шерик мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида ўзаро келишса олмасалар, бундай масала ҳам шерик эгаларнинг ҳар қайсиси даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

ФКнинг 218-моддасига мувофиқ умумий улушли мулкнинг ҳар қайси эгаси ўз улушини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли. Бунда, улушни ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиш назарда тутилади. Умумий мулкнинг шериклари ташкилот бўлган тақдирда, улар ўз улушларини бировга ҳақ бараварига ўтказишга, кўпинча уни сотади. Фуқаролар эса, ўз улушларини ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиши, чунончи, сотиши, ҳада этиши, васият қилиб қолдириши мумкин.

Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтда қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотилаётган нархда ва бошқа тенг шартларда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадир. Кимошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно (ФКнинг 224-моддаси).

Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт.

Агар улуш шерикларнинг имтиёзли ҳуқуқлари бузилган ҳолда сотилса, умумий улушли мулкнинг бошқа шериги сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига ўтказилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат қилиши мумкин.

Мулк олувчи улушни сотиб олиш тўғрисида розилик берган бўлса-ю, лекин у нотариал идорага келишдан бош тортса, нотариус сотувчининг танлаши бўйича бошқа шахс билан шартномани расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Ғ. МИРЗАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Хоразм вилоят суди судьяси

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА ОЛИШ ШАРТНОМАЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш (бериш) шартномаси фуқаролик муносабатларида энг кўп учрайдиган шартномалардан бири бўлиб, у ўзига хослиги билан бошқа шартномалардан тубдан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддасига асосан ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) кейин амалга оширилади. Ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Мазкур Кодекснинг 24-моддасига асосан ер участкасини шартнома асосида қуйидагилар ижарага берадилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига — туман ва шаҳар ҳокимлари;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишуви-га биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагани-

дан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эга.

Ер участкаларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ижара шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мазкур тоифадаги низоларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шартномани бекор қилишдан олдин шартнома иштирокчиларини бу ҳақда огоҳлантириш, яъни талабнома шартига риоя қилиш ҳисобланади. Мазкур қоидага амал қилинмаган тақдирда даъво кўрмасдан қолдирилади ва давлат божи даъвогардан ундирилади.

Масалан, даъвогар — Учқўрғон туман ҳокимлиги судга даъво аризаси билан му-рожаат қилиб, «Сайдулло Нодирабегим» фермер хўжалиги ва ҳокимлик ўртасида тузилган ерни узоқ муддатга ижарага бериш ҳақидаги шартномани муддатидан олдин бекор қилишни сўраган. Ишдаги ҳужжатлар ўрганилганда даъвогар томонидан қонунчилик талабларига риоя этилмаганлиги аниқланган.

Хусусан, Учқўрғон туман ҳокимлиги ҳамда «Сайдулло Нодирабегим» фермер хўжалиги ўртасида тузилган 2016 йилдаги ер ижарасини узоқ муддатга ижарага бериш ҳақидаги шартноманинг 20-бандида томонлардан бири шартномани бекор қилиш мўлжали тўғрисида иккинчи томонни шартномани бекор қилиш сабабларини асослаган ҳолда мўлжалланаётган бекор қилиш санасидан уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Шундай бўлса-да, даъвогар томонидан 2017 йил февраль ойида мазкур шартно-мани бекор қилиш ҳақида талабнома юборилган. Даъво аризаси эса судга 2017 йил 13 февраль куни топширилган. Бинобарин, ҳали 3 ой ўтмаган бўлса-да, даъво ариза киритилган. Бундан кўринадики, даъвогар томонидан низони судгача ҳал этиш тар-тибига риоя қилинмасдан, даъво аризаси киритилиб, хатоликка йўл қўйилган.

Даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган. Бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, даъ-вони кўрмасдан қолдирилишига сабаб бўлади.

Ушбу ҳолатда суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни ҳамда даъвогардан ишни қўриш билан боғлиқ давлат божини ундиришни лозим топган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи куйидаги ҳолларда бекор қилинади: 1) ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда; 2) ер участкаси берилган муддат тугаганда; 3) юридик шахс туга-тилганда; 4) хизматда фойдаланиш учун ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назар-да тутилган бўлмаса; 5) ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида; 6) ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайни-

да нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда; 7) ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда; 8) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда; 9) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан уч йил мобайнида фойдаланилмаганида; 10) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида.

Даъвогар — Учқўрғон туман ҳокимлиги жавобгар — Учқўрғон туманидаги «Қайқи ҳамкорлик самараси» фермер хўжалигига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Учқўрғон туман ҳокимининг қарорига асосан «Қайқи ҳамкорлик самараси» фермер хўжалиги ташкил қилиниб, унга ғаллачилик ва пахтачилик йўналиши бўйича иш юритиш учун жами 33,5 гектар ер майдони ажратилган ва томонлар ўртасида 2015 йил 21 декабрда ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида шартнома тузилган.

Шунингдек, «Учқўрғон пахта тозалаш» очик акциядорлик жамияти билан фермер хўжалиги ўртасида давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича контракция шартномалари тузилган.

Шундай бўлишига қарамай, экилган ғўза майдонлари бегона ўтлардан тозаланмаган, ер ташландиқ ҳолатга келиб қолган. Бинобарин, фермер хўжалиги ўз фаолиятини самарасиз юритиб келган. Бундан ташқари, фермер хўжалиги томонидан ер майдонига пахта экилиши режалаштирилган бўлишига қарамай, 15 гектар қисмига ўзбошимчалик билан қулупнай экиб юборилган ва бу ҳақда туман мутахассислари томонидан далолатнома расмийлаштирилган.

Қисқача қилиб айтганда, «Қайқи ҳамкорлик самараси» фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан оқилона фойдаланилмаган, оқибатда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси топшириш бўйича контракция шартномаси бажарилмай қолиши эҳтимоли кучайган.

Шу сабабли, суд даъвони қаноатлантирган ва тарафлар ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилган.

О. САДИКОВ,
Учқўрғон туманлараро
иктисодий суди раиси

МАЪМУРИЙ ЖАЗО Қўллаш тўғрисидаги Қарорни ижро этиш

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсларга нисбатан қонун доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан қўлланилади. Маъмурий жазо қўллашдан мақсад ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишдир.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖтК)нинг 23-моддасида қўлланиладиган маъмурий жазо турлари белги-ланган бўлиб, улар жарима, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш куроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шар-ти билан олиб кўйиш, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш куроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш, муай-ян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш, маъмурий қамоққа олиш, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республи-каси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш жазоларидир.

Мазкур Кодекснинг 245-моддасида маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилладиган ишлар рўйхати берилган. Судья маъмурий ишни кўришда иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарнинг содир этган ҳаракатига мос равишда юқорида санаб ўтилган жазолардан бирини тайинлайди. Судья ҳуқуқбузарга нисбатан жазо тайинлаганидан сўнг, ушбу тайинланган жазо-нинг ижроси билан ҳам шуғулланиши керак.

МЖтКнинг бешинчи бўлими бевосита маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этишга қаратилган. Унда маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган. Судья томони-дан маъмурий жазо қўллаш тўғрисида чиқарилган қарор, у эълон қилинган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддат ўтганидан сўнг, агар тарафлардан шико-ят ёки протест келиб тушмаган бўлса, қонуний кучга киради. Агар мазкур

қарор устидан шикоят ёки протест келтирилган бўлса, у ҳолда қарор ижроси тўхтатиб турилади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор белгиланган тартибда ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан ижро қилинади. Башарти, бир шахсга нисбатан бир неча қарор чиқарилган бўлса, унда ҳар бир қарор мустақил равишда ижро қилиниши керак.

Қонунда маъмурий қамоққа олиш ёки жарима солиш тарзида маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) унинг ижросини бир ойгача муддатга кечиктириши мумкинлиги белгиланган.

Агар амнистия акти эълон қилиниб, у маъмурий жазо чорасини қўллашни йўқ қилса, шунингдек маъмурий жавобгарликни белгиловчи норматив ҳужжат бекор қилинган ёки устидан қарор чиқарилган шахс вафот этган бўлса, қарор чиқарган ваколатли орган (мансабдор шахс) унинг ижросини тугатади.

МЖТКнинг 330-моддасида маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда қарор ижро этилмаслиги белгилаб қўйилган бўлади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ масалаларни шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) ҳал қилади. Қабул қилинган қарорнинг тўғри ва ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) зиммасига юклатилади.

Маъмурий жазо турларининг ҳар бири алоҳида тартибда ижро қилинади. Жарима ҳуқуқбузарга қарор нусхаси топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим. Агар жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят ёки протест билдирилган бўлса, у ҳолда мазкур иш кассация инстанцияси томонидан кўрилиб, шикоят ва протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши керак. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар қарор чиқарилган кундан бошлаб олтмиш кундан кечиктирмай, агар қарор устидан шикоят ва протест билдирилган бўлса, мазкур иш кассация инстанцияси томонидан кўрилиб, шикоят ва протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши керак. Агар ҳуқуқбузар юқорида кўрсатилган ихтиёрий муддат ичида жаримани тўламаса, жарима солиш тўғрисидаги қарор конун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

хузуридаги Мажбурий ижро бюросига юборилади.

Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари жаримани ундириш учун ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёхуд стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб оладилар. Башарти, ҳуқуқбузар иш жойига эга бўлмаса ёки жаримани унинг иш ҳақи, бошқа даромади, пенсияси ёки стипендиясидан ундириб олишнинг имконияти бўлмаса, жарима ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олинади. Жарима тўлиқ ундириб олинганидан сўнг, Мажбурий ижро бюроси томонидан амалда ижро этилган ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқарилиб, ушбу қарор мансабдор шахсга ёки судга юборилади.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарор бўйича ижро ишлари олиб қўйилган нарсаларни белгиланган тартибда шартнома-воситачилик асосида ёки аукцион шаклидаги кимошди савдоси орқали сотиш асосида амалга оширилади. Ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар ҳақини тўлаб олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйилган нарсани сотишдан тушган пуллар олиб қўйилган нарсаларни сотиш харажатларини чегириб қолиб, шу нарсаларнинг собиқ эгасига топширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор маъмурий судлар томонидан қабул қилиниб, Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари томонидан ижро этилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган мусодара қилинган нарсани сотиш ва йўқ қилиб ташлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади. Ушбу Низомга асосан мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган тегишли судга ёки органга (мансабдор шахсга) берилиши керак. Материалларга тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш, автомобилотранспорт воситалари ва кўчмас мулкдан ташқари, шартнома-воситачилик асосида ёхуд кимошди савдоси шартларида амалга оширилади. Автомилотранспорт воситалари ва кўчмас мулк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ихти-

сослаштирилган очик кимошди савдоларида сотилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўлган ашёни мусодара қилиш тўғрисидаги қарор ижро этилганидан сўнг Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочилари ижро иши юритишни та-момлаш тўғрисида қарор чиқаради ва унинг бир нусхасини қарорни чиқарган маъмурий ишлар бўйича судьяга юборади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор эса, ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб борувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро қилинади.

Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин дарҳол ижро этилади. Маъмурий қамоққа олинган шахслар ички ишлар органлари белгилаб қўйган жойларда қамоқда сақланадилар. Қарор ижросини бажариш вақтида қамоққа олинганлар шахсий кўрикдан ўтказиладилар. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга қамоқда бўлган вақтлари учун доимий иш жойла-ридан иш ҳақи тўланмайди.

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман маъмурий судининг судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тар-тиби шароитида эса, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи то-монидан белгиланади. Маъмурий қамоққа олиш жазоси ҳомиладор аёллар-га, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор ички ишлар органлари ва чегара қўшинлари томонидан ижро этилади. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро этиш далолатнома билан рас-мийлаштирилади.


М. АХМЕДОВ,
Шофиркон туман
маъмурий суди раиси

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар архивлар фаолиятини ҳам четлаб ўтмади. 2010 йил 15 июнда қабул қилинган «Архив иши тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар архивлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқди.

АРХИВлар фаолиятининг айрим жиҳатлари

Маълумки, архив иши архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича фаолиятдир. Бундай фаолиятни амалга оширувчи муассаса эса архив деб аталади¹. Архивларнинг асосий вазифаси Миллий архив фонди (МАФ) ҳужжатларини йиғиш, ҳисобга олиш, сақлаш ҳамда фойдаланишни ташкил этишдан иборат. МАФ ҳужжатлари таркибига Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлари киради ва улар тарихан таркиб топган бўлади, доимо бойитиб бориладиган мажмуа ҳисобланади. МАФ ҳужжатлари Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисмидир ва улар давлат муҳофазасидадир.

МАФ ҳужжатларининг келажак авлод учун бус-бутун сақланишини таъминлаш, ундан тўлақонли ва оқилона фойдаланишга эришиш долзарб вазифадир. Архив иши соҳасида ягона давлат сиёсати ҳамда назоратини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ««Ўзархив» агентлиги амалга оширади. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан «Ўзархив» агентлигининг ташкилий тузилмаси куйидагичадир:



Бугунги кунда республикамизда 103 та давлат, 7 та нодавлат, 110 та идоралараро хўжалик ҳисобидаги архив (ИХХА) ҳамда 9 000 дан ортиқ идоровий архив фаолият олиб бормоқда.

Давлат архивлари МАФнинг давлатга тегишли қисмига киритилган архив ҳужжатларини, шунингдек давлат мулки бўлган бошқа архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширадиган муассаса ҳисобланади. Улар фаолият доирасидан келиб чиқиб, қуйидаги тоифаларга ажратилади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архивлари;
- вилоят давлат архивлари;
- шаҳар давлат архивлари;
- туман давлат архивлари².

Нодавлат архивлар эса, МАФнинг давлатга тегишли бўлмаган қисмига киритилган архив ҳужжатларини, шунингдек давлат мулки бўлмаган бошқа архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширади. У мулкдорлар (муассислар)нинг тегишли қарори асосида ташкил этилади. Нодавлат архивнинг ташкилий ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси, муассислар йиғилиши қарори) «Ўзархив» агентлиги ва тегишли архив иши бошқармаси билан келишилгандан кейин, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан юридик шахс сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади³.

Ўз навбатида, идоралараро хўжалик ҳисобидаги архивлар дастлаб 1972 йилда Андижон вилояти Кўрғонтепа туманида жамоа ва давлат хўжаликлари, бошқа ташкилотларда шаклланган шахсий таркиб ҳужжатларини сақловга тайёрлаш, сақлаш ҳамда фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган. Бугунги кунга келиб, республикамизда бу турдаги архивларда 550 га яқин ходим фаолият олиб бормоқда. Архивларда сақланаётган ҳужжатлар сони 3 миллиондан ортиқ йиғмажилдни ташкил этади.

Бирок, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фақат давлат ва нодавлат шаклидаги архивлар ташкил этилиши белгиланган. ИХХАлар тегишли солиқ органларида умумий солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинган. Лекин, уларнинг давлат бюджетидан молиялаштирилмаслиги ёки маблағ олувчи эмаслиги мазкур тузилмаларни давлат архивлари сифатида ҳисоблаш имконини бермайди. Уларни нодавлат архиви таркибига ҳам киритиш мумкин эмас: улар туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан чиқарилган қарорга асосан ташкил этилган. Нодавлат архивлари муассис (мулкдор)ларнинг тегишли умумий йиғилиши қарори асосида ташкил этилади⁴.

ИХХАлар бир йиллик харажатлари суммасини мавжуд сақловдаги ҳужжатлар сонига бўлиш орқали бир йиғма жилд ҳужжатни бир йил сақлаш суммаси аниқланади. Ушбу суммани ҳар йили ҳужжат топширган ташкилот ва корхоналар шартнома асосида тўлайди⁵. Архивда фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлари бепул амалга оширилади⁶. Улар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳеч қандай имтиёзга эга эмас.

Мустақилликка эришилгандан сўнг ИХХАларда сақланаётган ҳужжатларни топ-

ширган корхона ва ташкилотларнинг аксарият қисми (64 фоиз) тугатилди. Мисол учун, давлат ва жамоа хўжаликлари тугатилиб, ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Қонунчиликда тугатилган ташкилотларнинг ҳужжатлари давлат архивларига топширилиши белгиланган. ИХХАлардаги тугатилган ташкилот ҳужжатларини тегишли давлат архивига топшириш учун эса, давлат архивларининг ҳужжат сиғимдорлиги имконияти мавжуд эмас. Давлат архивларига қўшимча сақловхоналар қуриш катта маблағни талаб қилади. ИХХАларнинг эса 82 таси (74 фоиз) ўз балансидаги ва 35 таси (32 фоиз) ижарадаги ҳамда 32 таси (35 фоиз) номуайян муддатга ва бепул фойдаланиш шаклидаги биноларга эга.

Тугатилган ташкилотлар ҳужжатларини сақлаш харажатларини қоплаш имкониятининг мавжуд эмаслиги ИХХАлар иқтисодий ҳолати ёмонлашишига сабаб бўлди. Мисол учун, бугунги кунда 81 та (73 фоиз) ИХХА деярли иқтисодий но-чор, улардан 15 тасида (14 фоиз) иш ҳақи ва бошқа тўловлардан катта ҳажмдаги қарздорлик мавжуд. Шу боис, ИХХАлар фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, яъни уларнинг давлат ёки нодавлат шаклида фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир.

М. АБДУРАХИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви
академияси изланувчиси

¹Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги ЎРҚ-252-сонли «Архив иши тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси.

²Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли қарорига 3-ИЛОВА. «Архивларни ташкил этиши, қайта ташкил этиши ва тугатиши тартиби тўғрисида НИЗОМ»нинг 8, 9-бандлари.

³Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли қарорига 3-ИЛОВА. «Архивларни ташкил этиши, қайта ташкил этиши ва тугатиши тартиби тўғрисида НИЗОМ»нинг 12-банди.

⁴Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли қарорига 3-ИЛОВА. «Архивларни ташкил этиши, қайта ташкил этиши ва тугатиши тартиби тўғрисида НИЗОМ»нинг 12-банди.

⁵«Ўзархив» агентлигининг 2007 йил 29 июндаги 18-сонли рақамли буйруғи билан тасдиқланган «Идоралараро шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар архиви тўғрисида намунавий низом».

⁶Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги ЎРҚ-252-сонли «Архив иши тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддаси.

Инсон бир ишни имконияти бўлсагина бажара олади. Имконият унга кўзлаган мақсадини амалга ошириш учун замин бўлиб хизмат қилади. Имконияти борлар ниятларини қийналмай амалга ошира оладилар. Дейлик, бир киши туман марказидан жой олиб, бино қуриб, аҳолига маиший хизмат кўрсатмоқчи. Унинг имкони, яъни маблағи бор. У ҳеч иккиланмай иш бошлайди: аввало тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтади; ҳокимиятдан қарор чиқартириб ер олади; лойиҳачилар билан келишиб, бино чизмасини тайёрлатади; қурувчилар билан учрашиб, бинони қурдиради; жиҳозлайди; охирида керакли ишчи-ходимларни топиб, ишни йўлга қўяди. Булар учун анчагина маблағ кетади. Ва бу сарфланган маблағ ойма-ой фойда бўлиб қайтади.

НИЯТ – ХАЙР, ОҚИБАТ – ХАЙР *ёхуд бойишни бошланг!*

Энди тасаввур қилинг: шу ишни пули йўқ ёки пули кам одам қилмоқчи бўлсачи?.. У албатта бунинг уддасидан чиқа олмайди. Яхши ният билан бошлаган иши чала қолади, ўзи ҳам, оиласи ҳам қийналади. Сарсон бўлганидан ишдан воз кечади, мақсадидан кўнгли совийди. Чунки, имкони йўқ.

Бирок... Бирок, бу имкониятни давлатимиз яратиб қўйибди. Қандай қилиб дейсизми? Албатта, банклар орқали. Марҳамат, сизга бирон-бир ғоя келдими, режасини тузинг. Обдон унинг паст-баландини ўйланг, фойдаси-ю зиёнини ҳисобланг. Аввало, энг муҳими, ўзингизда ишонч ҳосил қилинг. Кейин керакли ҳужжатларни тайёрлаб, қатъият билан банкка йўл олинг. Мабодо иккилансангиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 мартдаги ПҚ-2844-сонли ва «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сонли қарорларини ҳижжалаб ўқиб чиқинг ва ҳужжатларингизга кўшиб қўйинг. Албатта, сизга тадбиркорлик фаолиятингизни амалга ошириш учун тегишли сармоя-кредит суммаси банкнинг ўз қонун-қоидаси орқали берилади. Бунга асло шубҳа қилманг.

Керакли миқдордаги маблағ қўлингизга тегди, яъни ҳисоб рақамингизга ўтказиб берилди. Энди ишни гуркиратиб давлатга ҳам фойда келтириб, қолаверса, беш-ўнта ишчи билан ўзингиз ҳам фойда кўриб, тўйлар қилиб, фарзандларингизга замонавий уйлар қуришингиз... ёки боридан ҳам айрилиб қолиш шахсан ўзингизнинг маҳоратингизга, нозикроқ қилиб айтадиган бўлсак, виждонингизга боғлиқ.

Бундай дейишимизга сабаб шуки, кредит олиб асосий қарзни ҳам, фоизини ҳам ўз вақтида тўлаб, ишини муқим йўлга қўйиб, кўпчиликнинг ҳавасини келтириб юрган тадбиркорлар бугун жуда кўп. Аммо, афсуски, ишини эпполмаган ёки кредит олиб уни қайтаришни хаёлига келтирмай, пайсалга солиб юрганлар ҳам оз бўлса-да, бор.

Бор деб айтишимизга асос – бу судларга ушбу масалада келиб тушаётган даъво аризаларидир. Масалан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят худудий бошқармаси ДТ «XALQ BANKI» манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Баҳор» фермер хўжалиги ва «Унмдор» масъулияти чекланган жамиятидан

солидар тартибда 133 189 000 сўм асосий қарз, 8 000 000 сўм фоиз, жами 141 189 000 сўм ундиришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган. Фермер хўжалиги ва МЧЖдан солидар тартибда банк фойдасига жами 137 688 949 сўм ундирилган. Даъвонинг қолган қисми рад этилган.

Яна бошқа бир ҳолат. ДТ «XALQ BANKI» ва «Сархил картошка» масъулияти чекланган жамияти ўртасида 36 ойлик муддатга йиллик 14 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 2 500 000 000 сўм кредит ажратилган. Кредитнинг қайтарилиши таъминоти сифатида «Кўктоғ инвест», «Ишонч тижорат сервис» масъулияти чекланган жамиятларининг 3 500 000 000 сўмлик мол-мулклари гаровга қўйилган.

Кредит шартномасининг 3.1-бандида қарз олувчи кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий принциплари, яъни муддатлилиги, қайтарилиши, мақсадга мувофиқлилигига амал қилиши, 7.3-бандида кредит ва унинг фоизлари ўз вақтида қайтарилмаганда қарз олувчи банкка кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз муддатида қайтарилмаган кредит ёки фоиз суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлаши, пенянинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган сумманинг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозимлиги белгиланган.

Банк томонидан кредит суммаси тўлиқ тўлаб берилган бўлса-да, «Сархил картошка» МЧЖ томонидан кредит шартномаси шартлари лозим даражада бажарилмаган. Натижада кредит фоизидан 875 000 000 сўм қарздорлик келиб чиққан. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси банк манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 875 000 000 сўм кредит фоизи ҳамда 87 500 000 сўм пеня, жами 962 500 000 сўм ундириш, ундиришни гаровдаги мол-мулкка қаратишни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 875 000 000 сўм кредит фоизи, 8 750 000 сўм пеня ундириш белгиланган ҳамда ушбу суммаларни ундириш гаровдаги мол-мулкларга қаратилиб, уларнинг бошланғич сотиш баҳоси белгиланган. Тегишли жараёнлар амалга оширилгач, қарздорлик гаровдаги мол-мулклар томонидан қопланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси АТБ «Қишлоққурилиш банк» манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – Ёркин Куёш» масъулияти чекланган жамияти ва иккинчи жавобгар – «Юқори даромад» масъулияти чекланган жамиятидан солидар тартибда 286 659 595 сўм кредит қарзи, 13 619 458 сўм кредит фоизини ундиришни, ундирувни гаровга қўйилган мулкларга қаратишни сўраган.

Аслида банк филиали ва тадбиркор ўртасида 2014 йилда кредит шартномаси тузилган. Унга кўра, банк тадбиркорга тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун асбоб-ускуналар сотиб олишга 3 йил муддатга, йиллик 18 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 300 000 000 сўм кредит ажратган. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида гаров шартномаси ҳам тузилган.

Бироқ, тадбиркор кредит маблағи ва унинг фоизларини шартномада белгиланган муддатда қайтара олмаган. Натижада маълум муддат ўтгач, 268 716 876 сўм кредит қарзи, 8 065 895 сўм фоизи ва қўшимча фоиздан 4 880 517 сўм қарздорлиги юзага келган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгарлардан солидар тартибда банк фойдасига 268 776 876 сўм асосий қарз, 8065895 сўм

фоиз, 4 880 517 сўм кўшимча фоиз ундирилган. Ундирув гаровдаги мол-мулк билан копланган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, банклар томонидан тадбиркорлик қиламан, деган кишиларга зарур бўлган маблағлар ажратиб берилмоқда. Давлат томонидан қулайлик ва қатор имтиёзлар яратилмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни хоҳласа, ўз юртимизда, хоҳласа, хорижда сотиш мумкин. Истаса, ўзимизда мавжуд бўлган технологиялар асосида, истаса, чет эл технологияларидан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

Бу учун албатта хошиш, ишбилармонлик, узокни кўра билиш, бугунги тезкор замондаги бозор иқтисодиётини хис қилиш керак. Бу асосий хислатлар мужассам бўлмаса, тадбиркор узокқа боролмайди: синади, касод бўлади. Замоनावий тил билан айтганда, банкротликка юз тутати. Фойда кўриш ўрнига бор мол-мулкдан айрилади. Ўтмишдаги алломалардан бири «Ният–хайр, оқибат – хайр!», деган экан. Яъни, ҳар қандай ишни яхши ният билан бошласанг, охири, оқибати яхши, хайрли бўлади.

Ўн йиллар олдинги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Маҳалламиздаги бир йигит тадбиркорлик қилмоқчи бўлиб, банкдан анчагина маблағ олди. Бироқ, олган пулиннинг 30 фоизинигина бошлаган ишига сарфлади. Қолган 70 фоизига деҳқонлардан пиёз олиб Россияга бир вагон қилиб жўнатди. Бир-иккита яқинлари, айрим кўшнилари ҳам таажжуб билан бу иши яхши эмаслигини уқтиришди. Аммо, у парво қилмади. Ҳатто пиёзи сотилиб, яхшигина даромад олгач, дакки берганларга уларнинг гапига кирмай бойиб кетганини пичинг қилди. Кейинги сафар янада кўпроқ – икки вагон сал-пал пишган помидорнинг ярмини сотиб олиб, ярмини насиёга олиб жўнатди. Қарангки, сотиб олаётганда помидор навига эътибор бермаган. Бунинг устига вагонлар манзилга бир неча кун кечикиб етиб борган. Натижада маҳсулотнинг 90 фоизи чириб кетган. Помидор дегани нозик ва сувли эмасми вагонлар тебраниб боргани сари бир-бирига уриб кетган.

Бу ишнинг оқибати эса аён: бир ёқда – насиё берганлар, бир ёқда – банкнинг қарзи ва фоизи! Мебель ишлаб чиқармоқчи бўлган корхонасини жиҳозлари билан сотиб, қарзларининг бир қисмини қоплади. Нечундир, қолган қарзини узмоқчи бўлдимиз ёки маҳалладошлардан уялдимиз, каттагина ҳовлисини сотиб, бошқа тумандаги кўп қаватли уйлардан икки хона олиб, кўчиб кетди. Қайтиб бу томонларга кадам босмади. Тасодифан бир тадбирда учрашиб қолган кўшниларга «Сизларнинг гапингизга кирмадим, нотўғри йўл танлаб хор бўлдим», деб ҳасрат қилибди.

Демак, тадбиркорликка қўл урган киши, аввало, ниятини тўғри қилиши, пишиқ-пухта режа ишлаб чиқиши, бошламоқчи бўлган соҳасини билмаса, обдон ўрганиши лозим. Шундан сўнггина марҳамат – ишлаб чиқаришни, ўз навбатида, бойишни бошланг!

М. СОДИҚОВ,
масъул котиб,

А. АЗИЗОВ,
Тошкент вилоят иқтисодий
суди девонхона мудир

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлини белгилаб қўйилган.

Бироқ, аксарият фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тегишли давлат идораларига вақтида мурожаат қилиш кераклигини билмайдилар. Натижада даъво қилиш муддатларини ўтказиб юборадилар. Судьянинг «Бирон жойга тегишли тартибда мурожаат қилганмисиз», деган саволига эса, «Мени адвокат олишга пулим йўқ, мен билмаган эдим», деб эътироз билдирадилар. Лекин, қонунни билмаслик уларни жавобгарликдан озод қилади, ҳуқуқлари тикланади дегани эмас, албатта.

СУДНИНГ ҚАРОРИ АДОЛАТСИЗМИ

ёхуд келинчакнинг важи асоссизми?..

Айниқса, фуқаролик процессуал амалиётида бундай ҳоллар кўплаб учрайди. Мисол учун, яқинда бир келинчак, яъни фуқаро Г.Набиева (мақоладаги барча исм ва шарифлар ўзгартирилган) фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судига Ш.Набиева ва унинг оила аъзоларига нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилади. Суд мажлисида Г.Набиева фуқаро А.Набиев билан 2012 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, келин бўлиб Ибн Сино мавзесидаги 7-хонадонга тушганлигини, бир нафар фарзанди борлигини, баён қилади. Кейинчалик Г.Набиева оилавий муносабатлари кескинлашганлигини, яъни турмуш ўртоғи А.Набиев кўпинча спиртли ичимликлар истеъмоли оқибатида жанжал-тўполон қилганлиги сабабли 2014 йил февраль ойида ўз ота-онасининг уйига вояга етмаган фарзанди билан кетишга мажбур бўлганлиги ҳақида тушунтириш беради. Ҳозирда эса, ота-онасининг уйида шароит йўқлиги сабаб низоли хонадонга кириб яшаши лозимлигини айтади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 52-моддасига мувофиқ муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонднинг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Даъвогар — Г.Набиева 2014 йилда келин бўлиб тушган уйдан ўзига тегишли бўлган мол-мулкларини олиб чиқиб кетган бўлса-да, 2016 йил май ойида, яъни орадан икки йил ўтганидан сўнг судга уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Бу билан даъвогар юқорида қайд этилган муддатни — 6 ойни узрли сабабларсиз ўтказиб юборган. Г.Набиева турмуш қурган вақтида у билан оила аъзолари ўртасида уйда яшаш ҳамда фойдаланиш тартиби бўйича ёзма равишда келишув ҳам бўлмаган, шунингдек у низоли уйда рўйхатда ҳам турмаган. Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 5-моддаси, Уй-жой кодексининг 32, 52-моддалари, Фуқаролик процессуал кодексининг 203, 206-моддаларини қўллаб, Г.Набиеванинг уйга киритиш ҳақидаги даъвосини қаноатлантиришни рад этган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ёш оилани сақлаб қолишда, аввало, ота-оналар старлича масъулият билан қараганда ва маҳалла аралашганда бу муаммо юзага келмаган бўлар эди. Лекин, баъзан катталарнинг ўзи ҳаётга энгиллик билан қараб, оқимни баттар лойқалатиб юборадилар. Ёш оилаларнинг эрта бузилиб кетиши маънавий соғлом муҳит йўқолишига сабаб бўлмоқда. Юқорида айтилган мисолда ҳам келинчакнинг ота-онаси фарзандини икки йил ўз бағрида олиб ўтириб, эндиликда уй-жой талаб қилиш учун судга беришга ундаши ўринли бўлармикан? Келинчакнинг низоли уйда бир оила бўлиб яшаш нияти бор экан, нима учун оилавий муносабатларини ўз вақтида ижобий томонга ҳал этмади? Уй эгалари киришга тўсқинлик қилган бўлса, маҳаллага мурожаат қилиш ҳам мумкин эди-ку.

Албатта, ҳар бир фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқларини суднинг одил қарори билангина тиклайди ва қонунларнинг адолатли ижро қилинишига ишончи янада ортади. Г.Набиева каби фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тегишли тартибда судга мурожаат этмайдилар. Оқибатда даъво муддатларини ўтказиб юборадилар. Афсуски, улар баъзида ўзларини айбдор деб билмайдилар, балки суднинг қарори адолатсиз бўлганини ваз қиладилар.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш мақсадида жойларда судлар томонидан тез-тез сайёр суд мажлислари ўтказилмоқда. Маҳаллаларга бориб ҳуқуқий суҳбатлар ташкил қилинмоқда. Бу учрашувлар фуқароларнинг ҳар бир масалада қонунларга суяниб иш олиб боришни, ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда, суд орқали адолатли ечимга эришиш мумкинлигини тушуниб етиши учун хизмат қилмоқда.

Г. МИРЗАЕВА,
Олий суд судьяси,

С. СОДИҚОВА,
журналист

АЁЛИГА «СПИД» ЮҚТИРДИ

Биламизки, оила – муқаддас тушунча. Ёш йигит-қизлар бир-бири билан яқиндан танишиб, ота-оналарининг розилиги билан турмуш қуришади.

Ўрнатилган тартибга қўра, дастлаб икки ёш ФҲДЁ бўлимларига ариза билан муурожаат қилишади. Сўнг йўлланма асосида тиббий кўрикдан ўтадилар. Соғлом деб топилганларидан кейингина икки ёш оила қуришлари мумкин бўлади.

Аммо, айрим ҳолларда ёшлар тиббий кўрикдан бўйин товлаб, ўзларидаги мавжуд касалликларни яширишга уринишади. Ҳатто, юқумли касалликка чалинганлигини била туриб, турмуш қуришга рози бўлаётганлар ҳам учраб турибдики, бу жуда аянчли ҳолат. Масалан, Денов туманида яшовчи, Р. исмли қиз тиббий кўрикдан кейин куёв бўлмишнинг хорижда ишлаб, у ердан ОИТС, яъни СПИД юқтириб келганлигини билганидан кейин ҳам у билан турмуш қурганлигига нима дейсиз!?

2017 йилнинг август ойида мазкур иш юзасидан жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Судда куёв бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 113-моддасининг тўртинчи қисми билан айбланди.

Аниқланишича, деновлик Т. исмли йигит Денов туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг «Д» ҳисобида турган. У ўзида орттирилган иммунитет танқислиги вирусни борлигини била туриб, фуқаро Р. билан турмуш қурган. Яшаш даврида у хотинига бу вирусни қасдан юқтирган. Денов туман 1-сонли поликлиникасининг маълумотномасига қўра, фуқаро Р. нинг ОИТС билан касалланганлиги қайд этилган.

Хуллас, Р. исмли келинчак турмуш ўртоғининг СПИД эканлигини била туриб, унга турмушга чиққан. Хўш, бундан кўзланган мақсад нима? Касалманд фарзанд кўриб, бундайлар сафини кенгайтиришми? Наҳотки, била туриб бошқаларни ҳам бахтиқаро қилиш ёки ОИТС касаллигини юқтиришга рози бўлиш мумкин? Энди улар фарзандининг келажаги нима бўлади? Афсуски, бундай оғриқли саволларга жўялироқ жавоб бериш мушкул. Шундай қилиб, Т. қилмишига яраша жазосини олди — у суд ҳукмига қўра, Жиноят кодекси 113-моддасининг тўртинчи қисми билан айбли деб топилди ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларимиз тиббий кўрикдан ўтиб, соғломлигига аниқ ишонч ҳосил қилганларидан кейин турмуш курсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Била туриб ўта юқумли ва хавфли касалликка чалинганлар билан оила қуриш ўз жонига қасд қилиш билан баробарлигини унутмайлик.

Р. ҚУТИБЕКОВ,
жиноят ишлари бўйича
Денов туман суди раиси

ҚОНУН УСТУВОР

*Адл мамлакатга бўларкан меъмор,
Бошқа ҳеч нарса эмасдур даркор.*

Абдурахмон Жомий

Хуррият ила юртим бахтиёр,
Кундан-кун яшнаш мустақил диёр.
Тинчликни бузган бўлар шармисор,
Қонун устувор, жазо муқаррар.

Чегара дахлсиз, йигитлар хушёр,
Ватан деб, бардам, тунлари бедор.
Пинҳон киришни ўйласа ағёр,
Қонун устувор, жазо муқаррар.

Тоғлар мусаффо, даштлар лолазор,
Боғларда ҳаво тоза, беғубор.
Табиатнинг ҳам кўриқчиси бор,
Қонун устувор, жазо муқаррар.

Шаҳар, қишлоқлар бўлмоқда гулзор,
Ҳалол меҳнатдан қалбда ифтихор.
Нияти бузук бўлур гирифтор,
Қонун устувор, жазо муқаррар.

Фарзандлар бахтли, омад доим ёр,
Илм, касб олишга шароит бисёр.
Пок орзуларга ташланса ғубор,
Қонун устувор, жазо муқаррар.

Аёллар илғор, ҳам суюкли ёр,
Тадбиркорликдан файзlidir рўзгор.
Қора кўзларни қилманг интизор,
Қонун устувор, жазо муқаррар.

Ота-оналар яшар миннатдор,
Давлат меҳрибон, доим хабардор.
Улар оромин бузаркан маккор,
Қонун устувор, жазо муқаррар.

Президентим мард, аҳдга вафодор,
Буюк ишларга қилинган қарор.
Йўлни тўсганга имкон йўқ зинҳор,
Қонун устувор, жазо муқаррар.

ТАДБИРКОРМАН

*Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз
ишини қойил қилиб бажаришидадир.*

Абу Райхон Беруний

Ўзбекистон Ватаним,
кўрганлар қилур ҳавас,
Бундай замон, имкон
ҳеч қачон бўлган эмас,
Кимлигинг кўрсатмасанг,
кўнгиллар асло тўлмас,
Президентим қўллаган
иқболли тадбиркорман.

Янгилик, ташаббусга
йўллар очиқ, бемалол,
Ҳукуматим мададкор,
бу эмасдур хом хаёл,
Яралган имтиёзга
кўшни давлатлар ҳам лол,
Президентим қўллаган
иқболли тадбиркорман.


Мева-ю полиз учун
берилган яхши ерлар,
Қишдаги маҳсулотни
еганлар раҳмат дерлар,
Халқим, дея хизматда
жонбоз аёл ва эрлар,
Президентим қўллаган
иқболли тадбиркорман.

Беғубор қалб ёшларга
қулиб боққан бахт, омад,
Талантли йигит-қизлар
севган касби билан банд,
Мустақил диёримга
жонлари эмас писанд,
Президентим қўллаган
иқболли тадбиркорман.

Режа пухта, ният пок,
марра сари биз дадил,
Юксалиш, бунёдкорлик
айтган сўзимга далил,
Элим деб ёниб яшар,
Мухторда покиза дил,
Президентим қўллаган
иқболли тадбиркорман.

Мухтор ХЎЖАЕВ

Фаргона вилояти

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**«АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд-ҳуқуқ ислохотларини, шунингдек судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида «Адолат - қонун устуворлигида» танловини эълон қилади.

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга учта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2018 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

Танловда қуйидаги йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланади:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил:

100186, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй.

Телефон: 239-02-43, электрон почта - mt@sud.uz

Қандай ҳужжатларга асосан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши давлат рўйхатидан ўтказилади?



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 20-бандига биноан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши қуйидаги ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади:

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикасининг муайян фуқароларига ер участкалари бериш тўғрисидаги, ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори ёки мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги нотариус томонидан берилган гувоҳнома ёхуд бу ҳуқуқ аукцион асосида сотиб олинганлиги тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокими томонидан берилган давлат ордери;

ер участкаларига доимий эгалик қилиш, доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — давлат ҳокимияти органларининг муайян юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаси бериш тўғрисидаги, ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори;

ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан берилган давлат ордери;

ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун — давлат ҳокимияти органларининг ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари асосида ваколатли органлар томонидан тузилган ер участкасининг ижара шартномаси.

* * *

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амал қилган даврда (1990 — 1998 йилларда) олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар асос бўлади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 21-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амал қилган даврда (1990 — 1998 йилларда) олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

шаҳарлар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун шаҳарлар ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

шаҳарчалар ва қишлоқлар (овулар) фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг собиқ колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудида бўлмаган ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

қишлоқлар (овулар) фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қишлоқ жойларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари.

* * *

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари бўлиб нималар ҳисобланади?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда 2958-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 ноябрдаги 165, 151 ва 2017-68-сонли қарори билан тасдиқланган «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3 ва 4-бандларига кўра, чакана савдо фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар даромадлар ва амалга оширилган товар операциялари ҳисобини даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида юритишлари шарт.

Қуйидагилар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари ҳисобланади:

чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари (бундан буён матнда ҳисоб дафтари деб юритилади);

товар чеклари дафтари.

Ҳисоб дафтари ва товар чеклари дафтари шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сонли «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) 15-иловаси билан тасдиқланган.

* * *

Якка тартибдаги тадбиркор солиқ органига даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари (ҳисоб дафтари ва товар чеклари дафтари)ни рўйхатга олиш тўғрисида ариза тақдим этганда, солиқ органи томонидан бу ҳужжатлар қанча муддатда рўйхатга олиниб, якка тартибдаги тадбиркорга тақдим этилади?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда 2958-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 ноябрдаги 165, 151 ва 2017-68-сонли қарори билан тасдиқланган «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 5 ва 6-бандларига мувофиқ даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Бунда якка тартибдаги тадбиркор солиқ органига мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда ариза тақдим этиши керак.

Аризага даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари илова қилинади.

Солиқ органи рўйхатдан ўтказишни асослантирилган ҳолда рад этади ёки якка тартибдаги тадбиркорга у шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатган ҳолда тилхат билан:

ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ҳисоб дафтарини;

ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида товар чеклари дафтарини тақдим этади.

**Олий суд катта консультанти
С. АСҚАРОВ тайёрлади**